

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ
«СТБ» Факултети
«Фалсафа» кафедраси**

Ахромова Севара Ахмедовна

Битирув малакавий иши

**МАВЗУ: Хотин-қизлар ҳаракати ххī асрнинг
энг таъсирчан кучи**

Такризчилар:	Ф.ф.д. З.Р.Қодирова
Текширди:	Т.ф.д. проф. Р.Холиқова

ТОШКЕНТ-2012

Ушбу диплом ишида жамиятда хотин-қизлар ҳаракати ролининг ошиб бораётгани таҳлил этилган, мамлакатимиз мутақилликка эришганидан сўнг ўтган қисқа муддат ичида аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўйича қилинган ишлар баён қилинган.

Хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги мақомини ва ҳуқуқий билимини ошириш, уларни иш билан таъминлаш хусусида фикр юритилади.

Ушбу иш олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, талабалари ва ушбу мавзуга қизиқувчи илмий тадқиқотчиларга мўлжалланган.

МУНДАРИЖА:

КИРИШ

1. Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаолликларини ва уларнинг жамиятдаги мақомини ошириш - давр талаби.

2. Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш - жамият равнақининг муҳим омили.

3. Тоталитар тузум шароитида хотин-қизлар фаоллигини оширишда йўл қўйилган камчиликлар ва уларнинг салбий оқибатлари.

4. Ўзбекистон мустақилликка эришгач хотин-қизлар фаоллигини ошириш имкониятларининг кенгайиши.

5. Аёлларни иш билан таъминлаш – долзарб вазифа.

Хулоса

К И Р И Ш

Ўзбекистон Республикаси бозор иқтисодиётига ўтиши билан аҳолининг энг кам ҳимояланган қисми аёллар эканлиги кўзга яққол ташланиб қолди. Уларнинг катта қисми рақобатбардош бўлмай, билими ва малакаси замонавий бозор талабларига жавоб бермайди, уларда бозор муносабатлари кўникмаси шаклланмаган. Иш билан бандлик даражаси ҳам республикадаги ўртача кўрсаткичдан паст. Ўзбекистон босқичма-босқич ривожланган бозор иқтисодиётига ўтмоқда. Ҳукуқий давлат тизимини қарор топтириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш кундалик ҳаётимизнинг меъёр ва талабларига, асосий омилга айланиб бораётган айти пайтда жаҳон ҳамжамиятига кириб бориш ёш, мустақил Ўзбекистон олдига ижтимоий соҳада ҳам, маънавиятни ривожлантириш соҳасида ҳам янги-янги талаблар қўймоқда. Аёллар фаоллигини ошириш масаласи кўп йиллар мобайнида етарли даражада тадқиқ этилмай келинаётганлиги сабабли қатор муаммолар мавжуд бўлиб, бозор иқтисодиёти шароитида аёллар давлат томонидан қўллаб-қувватланиши зарур бўлиб қолди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, аёлларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг муҳим турларидан бири уларнинг иш билан бандлигини бошқариш, аёллар меҳнат заҳираларидан оқилона ва самарали фойдаланиш орқали уларнинг фаоллигини ошириш ҳисобланади.

Маънавий-маърифий жамият сари Ўзбекистон тутган йўл – камолот сари йўлдир. Бу йўлнинг ибтидосида буюк бобомиз Соҳибқирон Амир Темурнинг адолатпарварлик, халқпарварлик ва бунёдкорлик йўли мана-ман деб оҳанграбодек кишилиқ жамиятини ўзига чорлаб, мафтун этиб келмоқда. Шу билан бирга, «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» хурфикрлиқ, инсон камолоти сари ташланган қутлуғ қадам бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар

дастури тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизнинг маънавий-сиёсий ҳаётида катта воқеа бўлди.

Юртбошимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асари **«Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»** ғояларини кенг ёйишга хизмат қилаётган бебаҳо асар бўлиб, камолот сари нурафшон йўл, мазкур мўътабар ҳужжатнинг узвий ривожидир.

Президент Ислом Каримов «Бу дунёда ҳалол ва пок яшашни ўзи учун ҳаётий эътиқод, олий мақсад деб биладиган одамлар кўпчиликини ташкил этади. Айнан ана шундай инсонлар ва уларнинг эзгу ишлари туфайли бу ёруғ оламда маънавият ҳамиша барқарор бўлиб келмоқда», -деб бежиз таъкидламаганлар. Инсон ўзининг ички дунёсига кўра доимо ёруғликка, нурафшон истиқболга интилиб яшайди. Юртбошимиз таъкидлаб ўтганидек, ҳалол ва пок яшашни эътиқод деб билган яхши ниятли зиёли одамлар яратган ушбу мўътабар ҳужжат, яъни асари **«Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»** кейинги 64 йил мобайнида жаҳондаги турли миллат, ирк, динга мансуб инсонларни тенг ҳуқуқлигини таъминлашга, аёллар ва болаларнинг эркини турли таҳқирлашлар, камситишлардан ҳимоялашга, тарақиёт учун курашчиларнинг ҳаётини ўлим хавфидан асраб қолишга, инсон учун маърифат йўлини очишга хизмат қилиб келмоқда ва жаҳонда илму фанни тараққий эттириш йўлида жуда катта ютуқлар эришилишига ўзининг беқиёс катта ҳиссасини қўшди.

Мамлакатимизда ўлим жазоси бекор қилинди, ярашув тартиби жорий этилиб суд-жазо тизими либераллаштирилди. Шунга қарамай жаҳондаги кўпгина мамлакатларда турли йўллар билан инсонга тажовуз қилиш ҳолатлари, яъни инсон эркига таҳдид, “одам савдоси” сақланиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 1 январдан мамлакатда ўлим жазосини бекор қилиш, шунингдек, фуқароларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратурадан судларга ўтказиш тўғрисида қабул қилган қонунлари халқаро ҳамжамият томонидан қувонч билан кутиб олинди. Ўлим

жазоси бундан буён умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилади ва у фақат икки турдаги жиноят, яъни қасддан одам ўлдириш ва терроризм учун тайинланади. Жазонинг мазкур тури хотин-қизарга, 18 ёшга тўлмаган ва 60 ёшдан ошган эркакларга нисбатан тайинланмайди. «Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси Германия ва Польша каби давлатларда 5 турдаги, Бельгия ва Россия Федерациясида 6 турдаги, Францияда 18 турдаги, Голландияда эса 19 турдаги жиноят учун тайинланади».*

Маънавият юксак тараққий этган мамлакатда маънавий-маърифий жамият қарор топади ва бу жамиятда инсон эъзозланади. Ўзбекистон танлаган йўл – мана шундай қутлуғ йўлдир. “Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир” дейди Юртбошимиз.**

«Мутасаддилар билиб қўйсинлар, маънавиятнинг бош ҳимоячиси Республика Президенти бўлади. Мен Президент сифатида одамларнинг маънавий тарбияси, тинчлик ва хайрли ишлар қилиш мақсадида ҳаракат қилаётган ҳар бир кишини қўллаб-қувватлайман ва мен у билан ҳамкорлик қиламан. Маънавият инсоннинг, давлатнинг жамиятнинг куч-қудратидир», - деб таъкидлайди мамлакатимиз Президенти. Маънавият тараққиёти учун курашиш барчанинг ишидир. Маънавият инсонга она сути, отанинг ибрат ва намунаси, аجدодларнинг ўғити билан сингиши бизга ўтмишдан маълум. “Маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало инсонни тушуниш, англаш керак. Зеро ер юзида қанча инсон бўлса, ҳар бирининг ўз маънавий олами бор”, - дейди Юртбошимиз.***

* Ислом Каримов. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Т.: Ўзбекистон, 2007. - 27 б.

** Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият. 2008. - 19 б.

*** Ўша асар. - 29 б.)

Мамлакатимизда бозор тузилмаси ривожланишда давом этаяпти, унинг янги-янги қирралари барча соҳаларда ўзини намоён этмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида унинг энг муҳим таркибий қисми - кучли ижтимоий сиёсат юритиш, яъни аҳолининг кенг қатламини ташкил этган ночор ва кам таъминланган фуқароларни ҳар томонлама ҳимоялаш ҳисобланади. Ушбу вазифага эса миллий-маънавий қадриятларни ўргатиш асосида инсоннинг маънавиятини бойитиш, шахсда савдо, муомала маданиятини шакллантириш, меҳр-мурувват туйғуларини кучайтириш, аҳолининг иш билан таъминланмаган қисми, аёллар ва ёш йигит-қизларни иш билан таъминлаш орқали эришилади. Ривожланган мамлакатларда аҳолининг, аввало аёллар ва болаларни ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, уларнинг жамият ҳаётида фаоллигини таъминлашга хизмат этувчи ижтимоий инфратузилмалар ҳам тараққий этган бўлади, чунки бозор иқтисодиётининг ўзи бутун жамият тараққиётини ҳаракатлантирувчи механизмдир. Бозор иқтисодиёти мураккаб, ҳаракатчан ва ўз-ўзидан такомиллашиб боровчи тизим бўлиб, у ижтимоий соҳа ривожининг ҳам асосий омилдир. Қолаверса “бугун янгича фикрлайдиган, ўз келажагини жамиятда демократик қадриятларни мустаҳкамлаш билан, мамлакатимизнинг келажагини жаҳон ҳамжамятига интеграциялашуви билан боғлиқ ҳолда кўрадиган янги авлод вакиллари ҳаётга кириб келмоқда”.*

Юртбошимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобида одамзот учун ҳамма замонларда ҳам энг буюк бойлик бўлиб келган маънавиятнинг маъно-мазмуни, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, назарий ва амалий томонлари ҳар томонлама таҳлил этилади. Ушбу асар ҳақиқатан ҳам жаҳоннинг буюк давлат арбоблари, олимлари ўз мамлакатларида ўтказилган

* *Ислом Каримов. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли.Т.: Ўзбекистон, 2007.-43 б.*

тақдимот маросимларида такрор-такрор айтиб ўтганларидек «Миллатнинг маънавиятини бойитувчи ва ривожлантирувчи қомусий асар»дир. Унда буюк бобокалонларимиз, қомусий илм соҳиблари Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Алишер Навоий ва бошқаларнинг жаҳон илм-фани ва маданиятининг ривожланишига қўшган ҳиссаси хусусида фикр юритилиб, уларнинг қолдирган мероси қадриятлар гултожи, бебаҳо экани таъкидлаб ўтилган. Жумладан, «Агар биз Алишер Навоийни мутафаккир десак – мутафаккирларнинг мутафаккиридир, агар шоир десак – шоирларнинг султони, авлиё десак – авлиёларнинг авлиёсидир», деб таъкидлайди Президент Ислом Каримов.

Биз юксак маънавият соҳиби бўлган халқмиз. Бу қуруқ сўз эмас. Сўзимизга донишманд Алишер Навоий бобомиз яратган тенгсиз асарлар далилдир. «Унинг мўътабар номи, ижодий меъросининг боқийлиги, бадиий даҳоси замон ва макон чегарасини билмайди... Инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилади. Она тилига муҳаббат, унинг бекиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси ҳам бизнинг онгу шууримиз, юрагимизга, аввало Навоий асарлари билан кириб келади».*

Бозор муносабатларининг қарор топиши ва ривожланишида меҳнат билан банд бўлмаган аҳолининг катта қисмини ташкил этган аёлларнинг жамиятда тутган ўрни катта бўлишига қарамасдан, ушбу масалада тадқиқот ишлари деярли олиб борилмаган. Амалга оширилган айрим тадқиқотлар ҳам аёлларга берилган имтиёзлар масаласига, уларни иш билан таъминлашга бағишланган бўлиб, уларда мазкур илмий тадқиқотимизда кўтарилган муаммонинг айрим жиҳатларигина ёритилган. Яъни тадқиқот объекти аёлларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, жамият тараққиётидаги ролини

* Ислом Каримов. *Юксак маънавият – енгмас куч*. Т.: Маънавият, 2008.- 47 б.

аниқлаш, хусусан аёлларни маънавий-сиёсий фаоллигининг ижтимоий фаолият ва унинг жамият тараққиётига таъсири нуқтаи назаридан яхлит ҳолда ўрганилмаган.

Давлат томонидан мамлакат аҳолисига муносиб ҳаёт кечириш шароитларини яратиш ҳамда жамиятнинг иқтисодий-сиёсий ва маънавий ҳаётида аёлларнинг ролини ошириш сиёсати юритилмоқда. Жамият томонидан аёлларнинг зиммасига юклатилган вазифалар ва мажбуриятлар, халқимизнинг ўзига хос турмуш тарзига эгаллиги, иш ўринларининг камлиги, қишлоқ аёллари меҳнатининг паст баҳоланиши, шунингдек, янги мулкчилик шакллариининг жорий этилиши туфайли аёлларнинг иш билан бандлиги даражасининг пасайиши кўзга ташланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтиши унинг айрим соҳаларини ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг янги шакллариини қидириб топишга, меҳнат заҳираларидан самарали фойдаланишнинг ноанъанавий усуллариини қўллашга ундамоқда. Буларнинг барчаси охир-оқибатда аёлларнинг жамиятда тутган ўрни ошишига, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга кўмаклашиши лозим.

Мамлакатимизда аёллар ижтимоий-сиёсий фаоллиги даражасини белгилаш, аёллар меҳнат бозори ва тадбиркор аёллар ҳаракатининг вужудга келиши, аёллар меҳнати самарадорлигини ошириш ҳамда улар ёрдамида аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий фаолликлариини кучайтириш, жамият ҳаётида аёллар ролини оширишнинг зарур.

Аёлларнинг жамият ҳаётидаги ролини ошириш ва уларнинг меҳнатидан фойдаланиш муаммолари МДХ мамлакатларида кўпгина етакчи олимларнинг тадқиқот объекти бўлган. Буларга: А.Э.Котляр, С.Я.Батышева, Е.В.Билкина, В.Т.Костакова, Л.А.Костина, И.С.Маслова ва бошқаларнинг илмий рисоалари ҳамда тадқиқотлариини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Шунингдек, К.Х.Абдурахмонов, Г.А.Акрамов, В.Н.Галкина, Р.Я.Досумов, Б.Н.Наврўззода, А.А.Шокиров, Л.П.Максакова, С.М.Қосимов, Н.Х.Раҳимова, М.Л.Турсунходжаев, Р.А.Убайдуллаева, Р.Х.Шодиев ва бошқаларнинг илмий ишларида аёлларнинг фаоллигини ва меҳнати самарадорлигини оширишга жиддий эътибор қаратилган. Аммо, ушбу тадқиқотларда аёллар иш кучи

сифатида тадқиқот объекти қилиб олиниб, уларнинг иқтисодий фаоллиги масалаларигина тадқиқ этилади. Аёлларнинг жамият ҳаётидаги ролини кучайтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий фаолликларини ошириш зарурлиги масаласи тадқиқ этилмасдан қолиб келмоқда.

Мазкур мақсадни амалга ошириш қуйидаги энг муҳим вазифаларни ҳал этишни тақозо этади:

- мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида аёллар нуфузини аниқлаш ва уларнинг меҳнатидан самарали фойдаланиш истиқболини белгилаш;
- бозор иқтисодиётининг тараққиёт қонуниятлари ва унинг аёлларни иш билан бандлигини таъминлашга таъсири, аёлларнинг Республикамиз иқтисодиётида бораётган ислохотлардаги ролини тадқиқ этиш;
- «аёлларнинг фаоллиги», «аёллар иш кучи», «аёллар тадбиркорлиги» категорияларини аниқлаш учун илмий-усулий ёндошувларни ишлаб чиқиш;
- аёллар тадбиркорлигининг шаклланиши ва ривожланишига таъсир этувчи муҳим иқтисодий омилларни ўрганиш;
- аёллар меҳнати самарадорлигининг мезонлари ва кўрсаткичларини асослаш;
- аёлларни иш билан бандлигининг ҳозирги ҳолатини тадқиқ қилиш;
- аёлларнинг меҳнат салоҳияти ривожланишини бошқариш ва аёлларнинг меҳнат фаоллиги даражасини белгилаш;
- аёллар меҳнат заҳираларидан фойдаланишни бошқариш самарадорлигини аниқлаш;
- аёллар иш кучининг сифати ва ижтимоий тавсифини келгусида такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- аёлларнинг иш билан бандлигини бошқаришни оптималлаштиришда тадбиркорлик ва ноанъанавий соҳаларнинг ролини тадқиқ этиш;
- аёлларнинг сиёсий фаоллигини кучайтириш, жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиётида тутган ўрнини аниқлаш борасида илмий-услубий тавсияномаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишдан иборат.

Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаолликларини ва уларнинг жамиятдаги мақомини ошириш - давр талаби

Ҳаётни улуғлаганни замон улуғлайди, аёлдан кечганни на Яратган кечиради, на яратилган.

Умр бўйи эслаб юриладиган хотирот – аёл ҳақидаги хотиротдир. Аслида умр - суйдирган ва куйдирган аёллардан қолган хотиралар тўплами. Унинг муаллифи ҳам ўзинг, муҳаррири ҳам ўзинг. Аёл эса – мунаққид деб таъкидланади «Фалсафа ёхуд фикрлаш лаззати» китобида.

Парламентлараро иттифоқ бош котиби Андерс Жонсоннинг таъкидлашича Швецияда вазирларнинг 50 фоизини аёллар ташкил этади. Жаҳон бўйича депутат аёллар сони парламентлар аъзоларининг 16 фоизини ташкил этмоқда. Жумладан, жаҳоннинг 39 та мамлакати парламентида сайловлар бўлиб ўтди ва бу сайловларда ғалаба қозонган депутатларнинг 20,5 фоизи, яъни 1.569 нафари аёллардан иборат бўлди. Аёллар Европа мамлакатлари парламентлари аъзоларининг 40 фоизини ташкил этади.

Халқимизнинг миллий қиёфасини яратувчи бош омиллардан бири хотин-қизларнинг, хусусан оналарнинг маданий-марифий савиясини оширишдан иборат. Оналар ҳар томонлама билимли, зукко, бой тарихий меросимиздан хабардор, замонавий илм-фан ютуқларини, техника тараққиётини фарзандига тушунтириб бера оладиган бўлиши керак. Хуллас, юксак илм соҳиби, фикр-дунёқараши кенг, мушоҳидаларга бой инсон бўлишини давр тақозо этмоқда. Тан олишимиз керакки, қадимги даврларда оналаримиз, момоларимизнинг тарбиячилик роли ниҳоятда кучли бўлган. Бугун оналарни фарзанд тарбиясига қайтариш хусусида бонг уряпмиз, лекин буни аёлларни уйга қайтариш, деб хато тушунмаслик лозим. Балки уларнинг онгидан фарзандимни мактаб, қўни-қўшни, маҳалла, қолаверса давлат тарбиялайди, деган тушунчаларни суриб

чиқаришга интилишдир. Ота-ҳам она ҳам ишласин, лекин фарзандларининг камолоти учун масъул эканликларини асло ёдларидан чиқармасинлар, деймиз.

Инсон қайси жинсга оид бўлмасин, қайси касб-корнинг бошини тутмасин, оддий деҳқонми, ишчими, тижоратчи ёки олимми, давлат арбобими, у аввало маърифатли одам бўлиши лозим. Маърифат соҳибида, яъни чин ориф бўлган инсонда ҳалоллик ҳам, жасорат ҳам, фидойилик ҳам тўқис бўлади. Бундан кейингина унинг касбу кори, эгаллаган лавозими, эришган муваффақиятлари тилга олинади ва унга зеб, яъни барчани уни ҳурмат қилишга мажбур этадиган ҳусн беради.

XXI асрга келиб, аёллар ўз ҳуқуқлари, манфаатларини ҳимоя қилиш, муаммоларини биргаликда ҳал этиш учун уюшиб ҳаракат қиладиган фаол сиёсий кучга айланди. Хотин-қизлар ҳаракати ҳозирги пайтга келиб орзудан воқеъликка айланди, аёлларнинг уюшмалари ва ташкилотлари эса ҳар бир мамлакат доирасида ҳамда бутун жаҳон миқёсида фаолият юритмоқда.

Аёллар ҳаракатининг яқин тарихига назар ташласак, бу ҳаракатнинг юксак олижаноб мақсадларни кўзда тутганига гувоҳ бўламиз. Аёллар ҳаракати ўзининг шаклланиш давридаёқ тинчлик учун курашга, инсониятни қирғин-барот урушлардан сақлашга, уруш оловини ёқувчиларни жиловлашга йўналтирилган куч сифатида майдонга чиқди.

XX асрнинг 40 йилларида Испанияда бошланган фуқаролар уруши, фашизм хавфининг кучайиши жаҳон оналарининг ўзаро ҳамжиҳат бўлишга, биргаликда инсониятнинг келажаги ва давомчилари бўлган ёш авлодни асраш учун уюшишга ундади.

Иккинчи жаҳон урушида инсоният берган чексиз қурбонлар, балоғат ёшига етмаган болаларнинг қаровсиз қолдирилиши ва оғир ишларга дучор қилиниши, Хиросимага ташланган ядро бомбаси оқибатида 100 минглаб одамларнинг, шу жумладан бегуноҳ болаларнинг қурбон бўлиши, кўп йиллар мобайнида радиоактив моддаларнинг зарарли таъсири натижасида ногирон ва

мажруҳ болалар туғилиши хотин-қизларнинг янги жаҳон урушини олдини олиш учун курашувчиларнинг олдинги сафига олиб чиқди.

Давлатлар ўртасида зиддиятлар кучайиб бориб, янги жаҳон уруши хавфи пайдо бўлди. Мана шундай зиддиятли даврда аёллар ҳаракати сиёсий куч сифатида шаклланди ва тинчлик учун курашувчи обрўли, диний эътиқоди ва ирқидан қатъи назар барча миллатларни бирлаштирувчи куч сифатида майдонга чиқди.

XX асрнинг 60 йилларида Осиё ва Африка қитъасида миллий озодлик ҳаракатининг кучайиши, мустақил мамлакатларнинг вужудга келган, аммо ёш давлатларнинг аёллар ва болаларни иқтисодий ночорликдан қутқариш, турли-туман касалликлардан сақлаш учун қилган хатти-ҳаракатлари етарлича самара бермаган бир шароитда жаҳон афкор оммаси, аввало, жаҳон аёллар ҳаракати ўзининг бутун куч-ғайратини оналар ва болаларни ижтимоий муҳофазалашга қаратди.

Хотин-қизларни муҳофазалаш, ардоқлаш — жамиятни эъзозлаш, келажакни асраш демакдир. Чунки, дунёдаги жами энг гўзал, энг муқаддас нарсалар оналар билан боғлиқдир. Аёл деганда бизнинг кўз олдимизда бутун ҳаётини фарзандларига бағишловчи меҳрибон она, вафодор ёр, мағрур ва софдил инсон сиймоси гавдаланади. Аёллар жамиятимизнинг барча энг муҳим соҳаларида ўз хизмат-лари, ақл-заковатлари билан иштирок этмоқдалар ва фидокорлик намунасини кўрсатмоқдалар. Зеро аёл - бу она, аёл - опа-сингил, аёл - бу севимли маҳбуба. Аёл хусусида сўзлаш, бу — замонлар, даврлар ҳақида сўзлашдир, ўтмишу кўхна тарих ҳақида сўзлашдир, бугунимиз ва истиқболимиз ҳақида сўзлашдир.

Хотин-қизлар ҳаракати мамлакатимизда ўзига хос жиҳатларга эга. Эришилган ютуқлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам кўзга ташланади. Яратилаётган бадийий ва санъат асарларида аёлларимизнинг ҳуқуқини, шаънини ҳимоя қилиш, ўз орзу-мақсадлари йўлидаги курашлари тасвирланса-да, бу

курашнинг ҳаққонийлиги, моҳияти очиб берилмаяпти. Уларнинг ўзлигини миллий қадриятларимиз билан уйғунликда акс эттира олган асарлар нихоятда кам. Аёллар жамиятимизнинг фаол ижтимоий-сиёсий кучларидан бири сифатида мамлакатимизда ўтказилаётган ислохотларнинг, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнининг олдинги сафида бормоқдалар. Аёлларнинг фаоллиги уларнинг турли уюшмаларга, жамиятларга уюшиш ва бу тузилмалар ёрдамида давлатнинг аёллар сиёсатини ишлаб чиқишига таъсир ўтказиш, давлат томонидан аёлларга берилган имтиёзлар ва кафолатлардан фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратилишини ҳамда аёлларнинг ҳуқуқи ва жамиятдаги ролини оширишга хизмат қиладиган давлат қарорларининг бажарилишини таъминлашдаги иштирокида акс этади. Аёл - қудратли куч. Аёл жамиятимизнинг кўзгуси. Аёли кулиб яшаган эл - энг бахтли элдир.

Мамлакатимизда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ижтимоий ҳимоялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. С.Иномова, Г.Каримова, М.Сафоева Д.Ғуломова, Д.Умарова, С.Рашидова каби давлат арбоблари; Т.Каримова, Р.Убайдуллаева, З.Қодирова, З.Собирова, Г.Исмоилова, Д.Раҳимова, М.Рашидова, Т.Содиқова, О.Каримова каби етук олималар жамият тараққиётига катта ҳисса қўшиб келаяпти. Шу билан бирга М.Собирова каби ўн минглаб тадбиркор аёллар мамлакатимизнинг иқтисодий фаровонлиги йўлида хизмат қилмоқдалар.

Статистик маълумотларга қараганда биргина олий ва ўрта махсус касб-хунар таълими соҳасида 9713 нафар олима аёл меҳнат қилмоқда. Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш учун мамлакатимизда «Йилнинг энг малакали ҳамшираси», «Йил ўқитувчиси», «Ўзгаллик танлови», «Зукколар ва чاقқонлар», «Зулфия қизлари» каби танловлар ва бошқа турли тадбирлар ўтказиб турилади.

Ҳозирги вақтда она диёримизда 16 мингга яқин маҳалла фаолият юритмоқда. Маҳалла раисларининг 338 нафари, котибларининг эса 2114

нафари аёллардир. Республикамиздаги маҳаллаларнинг аксарияти газлаштирилган ҳамда тоза ичимлик суви билан таъминланган, 44 фоизи телефонлаштирилган. “Истиқлол йилларида 36 минг километрлик сув қувурлари, 72 минг километрлик газ тармоқлари ишга туширилди. Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш бугунги кунда 84 фоизни (шу жумладан қишлоқ жойларда 77 фоизни), табиий газ билан таъминлаш 82 фоизни (шу жумладан қишлоқ жойларда 78 фоизни) ташкил этмоқда”.*

Ўзбекистон Республикасида аёлларнинг маълумотлилиги даражаси учинчи дунё мамлакатларига қараганда жуда юқоридир. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика департаментининг маълумотига қараганда аёлларнинг 99,13 фоизи саводли ҳисобланади. Ўзбекистон олий ўқув юртларида ўқиётганларнинг 42,7 фоизини хотин-қизлар ташкил қилади. Уларнинг кўпчилиги соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, таълим, санъат ва кинематография соҳаларига тўғри келиб, жами талабаларнинг 52 фоизини ташкил этган. Иқтисодиёт ва ҳуқуқ соҳасида ўқиётган талабаларнинг 23 фоизини, техникавий йўналишдаги соҳалардаги талабаларнинг 20 фоизини, қишлоқ хўжалиги соҳасида таълим олаётган талабаларнинг эса 11 фоизини хотин-қизлар ташкил қилади.

Ҳозирги пайтда аёлларни бозор малакаларига ўргатиш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича бир нечта дастур амалга оширилмоқда. Республика тадбиркорлар палатаси, кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи «Бизнес-фонд», Бандликка кўмаклашиш фонди, Европа иттифоқининг ТАСИС дастури, Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми, Республика аёллар Кенгаши, Тадбиркор аёллар уюшмаси ва бошқа нодавлат ташкилотларнинг фаолияти шунга йўналтирилган. Тадбиркор аёллар уюшмасининг 5 мингдан ортиқ аъзоси бўлиб, уларнинг 80 фоиздан ортиғи

* Ислон Каримов. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли.Т.: Ўзбекистон, 2007.-43 б.

ўзининг корхонасига эга, ваҳоланки 2000 йилда улар уюшма аъзоларининг 30 фоизидан ошмаган эди.

Ҳукуматнинг ташаббуси билан тузилган Ўзбекистон Республикаси Аёллар қўмитасининг вилоятлар, туманлар ва хўжалик субъектларида ўзининг бўлимларига эга. Ҳозирги вақтда турли даражадаги аёллар қўмиталарининг сони 3 мингтадан ошади. Ушбу қўмиталарнинг асосий вазифалари аёлларга нисбатан давлат сиёсатини юритишга бевосита ҳисса қўшишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Аёллар қўмитаси аёллар масалалари бўйича агентлик сифатида фаолият юритади ва давлат томонидан маблағ билан таъминланади, ўзининг доимий штатига, давлат томонидан берилган маъмурий биносига, ўз-ўзини бошқаришда хўжалик ҳисобига эга бўлиб, солиқ имтиёзларидан фойдаланади. Ўзбекистон Республикаси Аёллар қўмитасининг Раисаси Бош вазир ўринбосари ҳисобланиб, аёллар масалалари бўйича БМТ анжуманларида, халқаро аёллар ҳаракатида иштирок этади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда аёлларнинг ташаббуслари билан тузилган нодавлат аёллар ташкилотлари ҳам мавжуд. Булар эса янги ижтимоий муносабатларнинг шаклланганлигига ва аёллар ҳаракатининг вужудга келганлигига далолатдир. Улар аёлларнинг аниқ муаммоларини ўрганишга асосланган бўлиб, ижтимоий хизматларнинг янги турини ишлаб чиқади ва амалиётга татбиқ этади, ўзининг фаолиятида иш юритишнинг янги шакл ва методларидан фойдаланади. Ўз фаолиятларини юритишда мустақил бўлиб, турли манбалардан, шу жумладан, хорижий ривожлантириш фондларидан молиявий ёрдамларни жалб этиш имкониятига эга. Ўзбекистондаги нодавлат аёллар ташкилотлари давлатнинг аёллар тенг ҳуқуқлигини таъминлашга йўналтирилган сиёсат юритишида ҳамда ижтимоий муаммоларни ҳал этишида ўзларининг давлатнинг ҳамкорлари ва ёрдамчилари деб ҳисоблайдилар. Ҳозирги вақтда республикада 412 та илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари

(ИИЧБ) рўйхатга олинган бўлиб, улардан 40 таси аёллар масалалари бўйича иш олиб бормоқда.

Аёлларнинг барча илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари ўзларининг амалга оширадиган дастурларига кўра бир-биридан фарқ қилишига қарамай, фаолиятини аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилишга, аёллар ва эркеклар учун тенг имкониятлар яратишга, аёлларнинг оиладаги ва жамиятдаги мақомини оширишга, демократик қайта қуришларга аёлларни жалб этишга, янги иқтисодий шароитларга уларни кўниктиришга йўналтирган. Бу йўналишда фаол иш олиб бораётган ташкилотлар қаторида Республика «Тадбиркор аёллар» уюшмаси ва унинг вилоятлардаги бўлимлари, Қорақалпоғистон Республикасининг «Перзент», Тошкент шаҳридаги аёллар ресурс маркази, «Меҳри», «Аёл ва жамият» ташкилотларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Аёлларнинг илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари республика ижтимоий ҳаётининг бир қисмига айланди, аммо ҳали муҳим воқеаларнинг боришига таъсир кўрсата оладиган ижтимоий ҳаракатга айланган эмас.

Нодавлат аёллар ташкилотлари сонининг ўсиши аёллар уларда ўз салоҳиятларидан фойдаланиш имкониятини кўраётганлигидан, шунингдек, ўз муаммоларини биргаликда ҳал этишнинг аниқ воситаси, деб ҳисоблаётганликларидан гувоҳлик беради.

Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркор аёллар» уюшмаси Ўзбекистондаги нодавлат ташкилотларидан бири бўлиб, унинг асосий мақсади бозор муносабатларини ривожлантиришда аёлларнинг фаол иштирок этишлари учун қулай шарт-шароитларни яратиш, уларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашдан иборат. Унинг асосий вазифалари қаторига Ўзбекистондаги демократик қайта қуришларни қўллаб-қувватлаш, барқарор иқтисодий-ижтимоий тизимни яратиш, аёлларнинг ҳуқуқлари бўйича кўтарилган масалалардан жамиятни хабардор қилиш, уларга ҳаёт кечириш даражасини ошириш ва иқтисодий аҳволини яхшилашларига ёрдам кўрсатиш

киради. Уюшма 5000 дан ортиқ аёлларни, жумладан тадбиркорлар, давлат хизматчилари, зиёлилар ва бошқаларни бирлаштиради. Уюшма ўзининг вилоят, туман бўлимларига эга. Уюшманинг ҳамкорлари орасида БМТ нинг Ўзбекистондаги тараққиёт дастури, «Меҳр-мурувват» корпуси, ТАСИС, Америка юридик консорциуми, Каунтерпарт интернейшнл, Каунтерпарт консорциуми, Евроосиё фонди, Глобал проект, Халқаро аёллар фонди SIGI, Конрад Аденауэр фонди каби ташкилотлар бор.

Тадбиркор аёллар» уюшмасининг фаолияти ҳар томонламадир. У аёллар билимини ошириш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ҳуқуқ, таълим-тарбия, аёлларни ижтимоий ҳимоялаш каби масалаларда ўтказиладиган халқаро ва республика анжуманлари, семинар ва тадбирларда фаол иштирок этади. Унинг қошида аёллар муаммоларини ёритадиган ва нашрий фаолият билан шуғулланадиган «Зумрад» маданий маркази, аёллар ҳуқуқини ҳимоя қиладиган «Ҳимоя» ҳуқуқий маркази, психологик ёрдам кўрсатадиган «Три О» маркази, хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланадиган «Дримс» фирмаси, «Сальсбилс» сайёҳлик фирмаси, ақлий меҳнат кишилари учун меҳнат биржасини ташкил этган «Имкон-Трест» фирмаси ва бошқалар бор. «Мадад» суғурта компанияси ёрдамида эса тадбиркорларга ва шахсларга суғурта хизматини кўрсатади.

«Аёллар ресурс маркази», «Соғлом авлод учун», «Экосан», «Болалар фонди», «Маҳалла», “Истеъдод”, «Нуроний» Республика фондлари ва жамиятлари ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб боради. «Маҳалла» кенгашлари фаолиятига аёлларни соғломлаштириш ва оилани мустаҳкамлаш бўйича дастурларни амалга ошириш вазифалари ҳам киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролини кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармони мамлакатимизда аёлларга бўлган эътиборнинг ортиб бораётганлигидан гувоҳлик беради. Ушбу фармонда

ҳукумат ижроия идораларининг барча босқичларида аёлларнинг иштирокини кучайтириш кўзда тутилган. Аёлларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини кучайтириш, уларни мамлакатимиз тараққиётини таъминлаш учун фидокорона меҳнатга жалб этишда матбуот, радио ва телевидениянинг катта ўрни бор. Аёлларнинг мухбирлик, телекўрсатувлар ва радио эшиттиришларни тайёрлаш ва олиб бориш ишларида фаолликлари кўзга ташланиб туради. Аёлларга нафақат ўзларини англашларига, балки уларнинг ижтимоий тараққиёт ва жамиятни янгилашга оид тафаккурларидаги эскича қарашларини ўзгартиришларига ёрдам бериш керак.

Хотин-қизлар ҳаракатининг кенг ёйилиши, турли-туман уюшмалар ва улар аъзолари сонининг ўсиб бориши, оналар ва болалар саломатлигини таъминлашнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши – халқимизнинг ҳукукий-демократик фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида эришаётган ютуқларимиздан бири ҳисобланади. Соғлом турмуш тарзини қарор топтиришдек улуғ мақсад йўлида фидокорона меҳнат қилаётган хотин-қизлар ҳаракати жамиятимиз равнақиға ўзининг касса ҳисасини қўшиб келмоқда.

Мамлакатимизда инсон ҳақида ғамхўрлик қилиш давлатнинг устувор вазифасига айланган. Миллат саломатлиги – юрт қудрати, деб бежиз таъкидланмайди. 2005 йил юртимизда «Сиҳат-саломатлик йили», 2012 йилнинг эса “Мустаҳкам оила йили”, деб аталиши замирида ҳам ана шу эзгу мақсад мужассам. Президент Ислон Каримовнинг «фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларға кодир бўлади» деган сўзлари Ўзбекистонда амалға оширилаётган кучли бозор иқтисодиёти ва юксак маънавий салоҳиятға эға қудратли давлат барпо этишға қаратилган туб ўзгаришларнинг асосий тамойили ҳисобланади. Бў ўзгаришларнинг самарадорлиги бевосита инсон ресурслари билан боғлиқ экани айна ҳақиқат. Бунда мамлакатда соғлиқни сақлаш тизимининг аҳволи, одамларнинг саломатлик даражаси ва сифати муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш устувор вазифаға айланди ва бу масалаға жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу

борада Президент Ислом Каримовнинг қатор фармонлари чикди, ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури амалга оширилмоқда. Ўтган йиллар мобайнида «Инсон манфаатлари йили», «Соғлом авлод йили», «Оналар ва болалар йили» каби мақсадли дастурларнинг амалга оширилиши ҳам бунга ёрқин мисол бўлади.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этиш билан бир қаторда аҳоли тафаккурида соғлом турмуш тарзи фалсафасини шакллантириш, жисмоний тарбия ва спорт машғулотларини янада оммалаштириш, жисмонан ва маънан соғлом, баркамол ёш авлодни тарбиялаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш каби муҳим йўналишларда улкан ишлар амалга оширилди.

2005-2011 йилларда 1 трл. сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. 78 та шифохона, поликлиника ва бошқа кўпгина аҳолининг соғлигини сақлашга ва мустаҳкамлашга хизмат қиладиган муассасалар тўлиқ капитал таъмирланди, реконструкция қилинди. Қишлоқда даволаш ва тиббий ёрдам кўрсатишнинг асосий бўғини ҳисобланган қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини шакллантириш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Жумладан, 197 та янги қишлоқ врачлик пунктлари фойдаланишга топширилди ва уларнинг умумий сони 3000 тага етди.

Шу билан бирга мамлакатимизда бепул шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ягона тизим таркибига кирувчи муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишдаги кўплаб шифохоналар бинолари таъмирланди, янгилари фойдаланишга топширилди. Пойтахтимиз ва вилоятлар марказларидаги тез тиббий ёрдам кўрсатиш муассасалари замонавий алоқа воситалари билан таъминланди. Уларга 200 дан ортиқ махсус замонавий автотранспорт воситалари ажратилди. Ушбу тизимни такомиллаштириш мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналиши ҳисобланади.

Даволаш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларни энг замонавий ускуналар билан жиҳозлаш натижасида соғлиқни сақлаш тизимининг самарадорлик кўрсаткичи сезиларли даражада ўсди. Эндиликда республикамизнинг энг чекка нуқталарида яшайдиган аҳоли ҳам малакали тиббий ёрдамдан фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

Болалар ва хотин-қизлар саломатлигини яхшилаш, чақалоқлар ўлимини камайтириш дастури амалга оширилмоқда. Туғиш ёшидаги аёлларнинг 97 фоизи тиббий кўрикдан ўтказилиб, соғломлаштирилмоқда.

Оналикни ва болаликни муҳофаза қилиш муассасалари учун режа асосида зарур асбоб-ускуналар сотиб олиб келиб ўрнатилмоқда. Масалан, Наманган вилоятидаги шифохоналарнинг туғруқхоналари 14 та ультратовуш аппарати ва 28 та кардиотахограф билан жиҳозланди. Самарқанд вилоятининг ҳомиладор аёлларга ёрдам кўрсатиш муассасалари учун 44 минг АҚШ доллари миқдоридаги тиббий ускуналар харид қилинди. Скрининг-марказлар, Оила шифохоналари фаолияти ҳам тубдан яхшиланиб, чақалоқлар, ҳомиладор аёллар текширувдан ўтказилиб, уларга бепул тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Буларнинг барчаси туғма касалликларни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш, шунингдек, нафақат чақалоқ, балки унинг ота-онаси ҳаётида юз бериши мумкин бўлган оғир оқибатларнинг олдини олиш имконини беряпти.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон полиомиелитдан холи ҳудуд сифатида эътироф этилган. Бунга ҳар йили болаларни тўлиқ эмлаш орқали эришилмоқда. 2 ёшгача бўлган болалар турли юқумли касалликларга қарши эмланяпти.

Одамларнинг саломатлигини таъминлашда витаминлар ва микроэлементлар муҳим ўрин тутди. Шу сабабли хотин-қизлар ва болалар ўртасида камқонликнинг олдини олиш учун мамлакатимизда унни тўйинтириш миллий дастури амалга оширилмоқда. Республикамизнинг кўплаб ун ишлаб чиқарувчи корхоналари бу муҳим озиқ-овқат маҳсулотини темир моддаси ва витаминлар билан бойитмоқда.

Оналикни ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилган чоратadbирлар ўз натижасини бермоқда, чакалоқларнинг ўлими олдинги йилдагига нисбатан 7,4 фоизга, оналарнинг ўлими 6,8 фоизга камайишига эришилган.

Бундан ташқари, кексалар турли касалликларга одатда кўпроқ чалинувчилар ҳисобланишади. Шунинг учун уларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш талаб этилади. Мамлакатимизда кекса ёшдаги кишиларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш ҳажми анча кенгайди. Биргина Республика геронтология марказида 4 минг нафар қарияга тиббий ёрдам кўрсатилган. Уруш ва меҳнат фахрийларига мўлжалланган пансионатлар, санаторийлар таъмирланди ҳамда зарур ускуна ва анжомлар билан жиҳозланди.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини яхшилаш мақсадида амалга оширилаётган ислохотлар бутун дунёда қизиқиш уйғотмоқда, уларни биз билан ҳамкорликда эзгу ишларни амалга оширишга ундамоқда. Масалан, «Осиё тараққиёт банки» билан ҳамкорликда «Хотин-қизлар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаси амалга оширилмоқда. Ушбу хайрли ишлар изчил давом эттирилмоқда. Зеро, Республика Президентининг 2005 йил 1 декабрдаги фармонида кўра 2006 йилнинг 1 январидан бошлаб шифокорларнинг иш ҳақи 1,3 бараварга ошди. Кейинги йилларда эса 1 баравардан оширилиб бориляпти. Бундан ташқари ҳар бир тиббий муасасасада моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди. Буларнинг барчаси мамлакатимизда инсон эҳтиёжларига катта эътибор берилаётганига далолатдир.

1995 йил 6 майда Ўзбекистон минтақадаги мамлакатлар орасида биринчи бўлиб, БМТ нинг «Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида»ги конвенциясига қўшилди. «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, хотин-қизларнинг оилада, давлат ва жамиятдаги ролини кучайтириш, уларнинг

ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш ҳақидаги давлат дастури қабул қилинди.

Олий Мажлиснинг қонунчилик палатасига хотин-қизлардан 21 нафари сайланди, Ўзбекистон Республикаси сенаторларидан эса 15 нафари аёллардир. Бу АҚШ, Франция, Италия, Россия ва бошқа мамлакатларнинг бу соҳадаги кўрсаткичларидан анча юқоридир.

Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш - жамият равнақининг муҳим омили

Она гўдакка сут ва меҳр берса, Ватан унга тил, бепоён ўлка, бой маънавият ҳадя этади. Буюк донишмандлар “Аёл бешикни тебратар, бешик оламини тебратар” деган сўзларни беҳуда айтмаганлар. Абдурауф Фитрат «ғамли она - муқаддас Турон»* деб Ватанни онага қиёслганидек, ўзбек аёли кўлида бешик, қалбида Ватан муҳаббати жўш урган ҳолда, дардини, ғам-ситамларини ичига ютиб, халқимизни тарихнинг не-не ўйинларидан, қирғин-барот жангларда буткул йўқолиб кетишдан сақлаб қолиб бу қутлуғ кунларга, истиклолнинг шодиёналарига етказган табарруқ зотдир. «Аёл - бу она, аёл - опа-сингил, аёл - бу севимли маҳбуба. Аёл хусусида сўзлаш, бу - замонлар ҳақида сўзлашдир, тарих ҳақида сўзлашдир, бугунимиз ва келажагимиз ҳақида сўзлашдир»**. ХХІ асрга келиб, аёллар ўз ҳуқуқлари, манфаатларини ҳимоя қилиш, муаммоларини биргаликда ҳал этиш учун уюшиб ҳаракат қиладиган фаол сиёсий кучга айланди. «Хотин-қизлар ҳаракати, уларнинг уюшмалари ва ташкилотлари ҳар бир мамлакат доирасида ҳамда жаҳон миқёсида амал қилаётган воқеъликдир»***.

* - «Ватан ва миллат муқаддасдир»(туз: Б.Қосимов ва бошқ). Т., «Ўқитувчи», 1996. 13-бет.

** - Саифназарова Ф.Дунёда бир улуг зот борки. «Инсон ва қонун», 1999 йил 8 июн.

*** - Шарипов Фазлиддин Шарофиддин ўғли. Сиёсатишунослик. 2 китоб. Т., 1996, 85-бет.

Дунёдаги жами энг гўзал, энг муқаддас нарсалар оналар билан боғлиқдир. Аёл деганда бизнинг кўз олдимизда бутун ҳаётини фарзандларига бағишловчи меҳрибон она, вафодор ёр, мағрур ва софдил инсон сиймоси гавдаланади. Аёллар жамиятимизнинг барча энг муҳим соҳаларида ўз хизматлари, ақл-заковатлари билан иштирок этмоқдалар ва фидокорлик намунасини кўрсатмоқдалар. Аёллар, шу жумладан ўзбек аёллари ҳақида минглаб асарлар, турфа образлар-турфа қиёфалар яратилган ва яратилмоқда. Аммо кейинги 70-йил давомида яратилган бадиий ва санъат асарларида аёлларимизнинг ҳуқуқини, шаънини ҳимоя қилиш, ўз орзу-мақсадлари йўлидаги курашлари тасвирланса-да, бу курашнинг ҳаққонийлиги, моҳияти очиқ берилмаган. Зеро, уларнинг ўзлигини миллий қадриятларимиз билан уйғунликда акс эттира олган асарлар ниҳоятда кам. Холбуки, «Аёллар жамиятимизнинг фаол ижтимоий-сиёсий кучларидан бири сифатида мамлакатимизда ўтказилаётган ислохотларнинг, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнининг олдинги сафида бормоқдалар»*.

Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва сиёсий эътиқодини шакллантиришда мафкуравий ишларни ўтказиш шакллари: маъруза, суҳбат, тарғибот-ташвиқот, мунозара, маънавий-маърифий ўқувдан самарали фойдаланиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Сиёсий эътиқод сиёсий онглиликнинг маҳсулидир. Зеро, ижтимоий онглилик мавжудот ва ижтимоий субъект бўлган инсон ақл-заковатининг, маънавий-ахлоқий фаоллигининг олий даражада бўлишлигидир. «Сиёсий муносабатларга воқеа-ҳодисаларни юксак англаган ҳолда киришиб, сиёсий самараларга эришиш қобилияти сиёсий онглиликдир»**.

* - *Аҳророва С. Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатида хотин-қизларнинг сиёсий фаоллиги. Т.:1999.-11 б.*

** - *Шарипов Ф. Сиёсий система таҳлили. Сиёсий маданият асослари. Т.:1996.-97 б.*

Хотин-қизлар ҳаракати, уларнинг уюшмалари ва ташкилотлари ҳар бир мамлакат доирасида ҳамда жаҳон миқёсида амал қилаётган воқеийликдир.

Аёллар жамиятимизнинг фаол сиёсий кучи сифатида мамлакатимизда ўтказилаётган ислохотларнинг, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнининг олдинги сафида бормоқда.

Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, давлат ва конституциявий тизим қарор топишига эришишнинг асоси - фуқаровий тотувлик ва миллатлараро ҳамжиҳатликни таъминлаш, қонунчилик ва ҳуқуқ тартиботини қарор топтиришдан иборат. Маълумки, мустақил Ўзбекистон давлати, бу - халқимизнинг тарихий ютуғидир. Тарихдан маълумки, фуқароларнинг ўз давлати билан фахрланиши ва ватанпарварлиги мамлакатларининг ривожланишига ёрдам берган. Шу сабабли, Президент Илом Каримов таъкидлаганидек, «Бу азиз Ватан барчамизники, унинг фаровон келажаги ва истиқболи учун яшаш, курашиш биз учун энг катта бахтдир». Мамлакатимиз ҳуқуқий-демократик жамият барпо этиш сари интилоқда ва бу жараёнда аёлларнинг сиёсий эътиқоди, ижтимоий-сиёсий фаоллиги муҳим ўрин эгаллайди.

Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, бу - уларнинг бошқа аҳоли гуруҳлари қатори жамиятни, сиёсий-иқтисодий тузумни ислоҳ қилишга, мукаммаллаштиришга интилиши, сиёсий жараёнларда фаол иштироки, келгусида озод ва обод Ватан, фаровон ҳаёт барпо этиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, баркамол шахсни тарбиялаб етиштиришга йўналтирилган фаолияти ҳисобланади. Аёлларнинг ижтимоий фаоллиги эса уларнинг таълимий ва касбий тайёргарлиги даражаси, ижодий ва ижтимоий фаоллигининг ошиши ҳамда қизиқарли, мазмунли, ташаббус кўрсатиш мумкин бўлган ишга интилишидир.

Аёлларнинг иқтисодий фаоллиги - аёллар иш кучининг ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг турли мулкчилик шаклларида бўлган

корхоналар, ҳудудлар, тармоқлар бўйича тақсимланиши, касбий малакаси, меҳнат унумдорлиги, фаровонлигининг, меҳнат қилиш, иқтисодий, моддий ва маънавий билимларининг ўсишидир.

«Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Президент Ислон Каримов томонидан фармоннинг чиқарилиши мамлакатимизда хотин-қизларнинг мақоми ва нуфузини оширишга алоҳида эътибор берилганлигидан далолатдир.

Ҳозирги пайтда маҳалла кўмиталарида диний-маърифат ва маънавий—ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар лавозими ташкил этилиб, обрўли онахонлар маҳаллаларда аҳиллик ҳамда ҳамжиҳатликни таъминлашга ўзларининг катта ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Абу Райҳон Беруний номли Тошкент давлат техника университети ва бошқа олий ўқув юртларининг олим ва олималари аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаолликларини ва уларнинг жамиятдаги мақомини ошириш учун ижтимоий ва маърифий соҳада: «Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаолликларини ва уларнинг жамиятдаги мақомини ошириш», «Фуқаролик жамияти қуриш жараёнида хотин-қизларнинг ҳуқуқий-сиёсий фаоллигини ошириш омиллари», «Оилавий низолар ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича қонунчилик асослари», «Хотин қизларнинг касбий малакасини ошириш», «Хотин қизларнинг ҳуқуқий саводонлигини ошириш йўллари» каби мавзуларда тадқиқот олиб бормоқдалар.

Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаолликларини ва уларнинг жамиятдаги мақомини ошириш учун ижтимоий ва маърифий соҳадаги энг муҳим вазифалар, фикримизча, қуйидагилардан: ижтимоий муҳит ва оила муҳитини яхшилаш бўйича давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш; меҳнат фаолияти билан шуғулланаётганларнинг асосий қисми аёллардан иборат бўлган халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, илм-фан

соҳаларида иш ҳақининг ўсиш даражаси республика бўйича ўртача кўрсаткичдан ҳам пастлиги сабабли бу соҳаларда меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини тубдан ислоҳ этиш; аёлларни иш билан таъминлаш орқали жамиятда уларнинг ролини ошириш, жамоат, маҳалла ишларига жалб этиш ва маънавий дунёқарашини бойитишдан иборат, шунингдек, турар жойларни газлаштириш, республикамиз аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш орқали аёллар меҳнатини енгиллаштириш, уларни уй юмушларига сарфлайдиган вақтини тежаш орқали дам олиш, соғлигини тиклаш учун имкониятлар яратиш зарур.

Сиёсий онглилик - шахснинг ижтимоий-сиёсий фаоллигининг асосидир. Инсоннинг, шахснинг, гуруҳ ва ҳаракатнинг сиёсий фаоллиги деганимизда - давлат бошқаруви ишларида қатнашиш, унинг фаолиятини йўналтириб туришга таъсир этиш, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўлиш, жамиятни ислоҳ этиш, меҳнат қилиш, дам олиш, хусусий мулкка ва унинг дахлсизлигини таъминлаш ҳуқуқига эга бўлиш, ўз фикри ва қарашларини эркин баён қила олиш, илм олиш, соғлом турмуш тарзини таъминлаш, Ватанни ҳимоя қилиш мақсадлари билан уйғунлашган ижтимоий-сиёсий интилишлар мажмуи тушунилади.

Ижтимоий-сиёсий фаоллик тушунчасини таҳлил қилишда турлича ёндашувлар учрайди. Коммунистик мафкура ҳукмронлиги даврида сиёсий фаолликка «бу - партия ва унинг онгли қисми бўлган пролетариатнинг жамиятни инқилобий ўзгартириш, янги, коммунистик жамият қуриш йўлидаги онгли, уюшган фаолиятидир», деб таъриф берилган. Ушбу таърифлаш кейинги даврда яратилган илмий адабиётларда бир қадар ўзгаришларга учраган бўлишига қарамай, инсоннинг фаоллиги масаласига эскича ёндошув сақланиб қолган. Ваҳоланки, таърифда инсоннинг иқтисодий фаоллиги, маънавий-марифий, яъни ижтимоий фаоллиги ҳам ўз аксини топмоғи лозим. Шу сабабли биз «сиёсий фаоллик ижтимоий гуруҳ ёки шахснинг ижтимоий-иқтисодий ёки сиёсий тартибни такомиллаштиришга, ўзгартиришга йўналтирилган

фаолиятидир»*, «сиёсий фаоллик - айрим шахсларнинг сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиши, ўзларининг сиёсий ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишида акс этадиган жами фаолиятининг ҳаёт кечиришни маълум шаклларида намоён бўлишидир»** деган таърифларга қўшила олмаймиз. Бизнинг фикримизча, сиёсий фаоллик, бу - аҳоли гуруҳи, ижтимоий ҳаракатнинг, шахснинг жамиятни, сиёсий-иқтисодий тузумни ислоҳ қилишга, мукаммаллаштиришга интилиши, сиёсий жараёнларда фаол иштироки, келгусида обод, озод ва фаровон жамият барпо этиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, баркамол шахсни тарбиялаб етиштиришга йўналтирилган фаолиятидир.

Хуллас, собиқ Иттифоқ давлати даврида инсон фаоллиги дейилганда унинг маъмурий-буйруқбозлик тизими томонидан рухсат этилган ҳуқуқлар доирасидаги фаоллик тушунилган. Яъни, меҳнат қилиш ҳуқуқи, сайлаш ва сайланиш, даволаниш ҳуқуқи ва бошқалар кўзда тутилган. Аммо ҳаёт кечириш, сўз эркинлиги, диний эътиқод эркинлиги, бахт-саодатга эришишга интилиш ва хусусий мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи коммунистик мафкура белгилаб қўйган доирада чеклаб қўйилган эди. Чунки коммунистлар дохийси томонидан таъкидлаб ўтилганидек, «инсонларнинг сиёсий фаолликларини юқори даражада бўлиши инқилобий вазиятни келтириб чиқариши» мумкин эди. Шу сабабли аҳолининг ҳар қандай норозилиги, сиёсий фаоллик кўрсатиб жамиятга танқидий қўз билан қараши ёки уни ислоҳ қилиш масаласини кўтариб чиқиши шу вақтнинг ўзидаёқ бўғиб ташланар эди.

* - *Краткий политический словарь. М.:1989.С.49.*

** - *Политология. Энциклопедический словарь. Издательство Московского коммерческого университета. М.:1993.-259 б.*

Инсоннинг сиёсий фаоллигини таъминлаш ва давлат тузумини ислоҳ этиш, халқчиллаштириш масаласи барча даврларда ҳам асосий масала ҳисобланган*. Юқорида баён қилинганлардан келиб чиқиб, аёллар фаоллигини мазмун ва моҳиятига кўра қуйидаги қисмларга ажратиш лозим, деб ҳисоблаймиз:

- аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги;
- аёлларнинг иқтисодий фаоллиги;
- аёлларнинг маънавий-маърифий фаоллиги.

Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, бу - уларнинг жамиятни ўзгартириш, туб ислохотлар ўтказиш, бозор иқтисодиётига ўтиш, демократик-ҳуқуқий давлат яратиш жараёнидаги ишларида акс этади. Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги уларнинг турли уюшмаларга, жамиятларга уюшиш ва бу тузилмалар ёрдамида давлатнинг аёллар сиёсатини ишлаб чиқишига таъсир ўтказиш, давлат томонидан аёлларга берилган имтиёзлар ва кафолатлардан фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратилишини ҳамда аёлларнинг ҳуқуқи ва жамиятдаги ролини оширишга хизмат қиладиган давлат қарорларининг бажарилишини таъминлашдаги иштирокида акс этади. Аёл - қудратли куч. Аёл жамиятимизнинг кўзгуси. Аёли кулиб яшаган эл - энг бахтли элдир.

Инсонларнинг, шу жумладан аёлларнинг сиёсий фаоллигини ўрганиш ижтимоий-гуманитар фанларнинг мақсад ва вазифаси бўлиб, «давлат ҳокимиятининг жамиятни сиёсий бошқариш фаолияти жараёнларини таҳлил қилиш, тарихий тажриба ва тарихий-миллий анъаналарни умумлаштириш, оммалаштириш, унинг асосида истиқбол тараққиёти йўналишлари

* - *Фаробий Абу Наср. Фозил одамлар шахри аҳолисининг қарашлари. Т.: 1989.-97 б.*

- *Аҳмад Дониш. Новодирул вақое (нодир воқеалар) ва бошқ.*

жиҳатларини режалаштириш, сиёсий ҳокимият тамойилларининг илмий-услубий жиҳатларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш учун тавсия этиш»* вазифаларини бажаришга мўлжалланган билим соҳасидир.

Аёлларнинг иқтисодий фаоллиги эса давлат муассасалари ва турли мулкчилик шаклидаги хўжалик субъектларида меҳнат қилиш орқали инсоннинг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий маҳсулотларни яратишдан иборат. Аёлларнинг иқтисодий фаоллиги тадбиркорлик тузилмалари, жамоат ташкилотлари, корхона ва муассасалардаги фаолиятларида, мамлакат иқтисодий тизимининг тараққий этишига қўшаётган ҳиссасида намоён бўлади. Уларнинг ҳиссаси қанча юқори бўлса, уларнинг жамият иқтисодий ҳаётидаги роли ҳам шунча юқори бўлади. Аёллар иқтисодий фаоллигининг асосий моҳияти жамиятда иқтисодий фаровонлик ва истеъмол маҳсулотларининг мўлкўллигига эришишдан иборат.

Жамиятнинг маънавий-маърифий ҳаётида аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини таъминлашнинг мураккаблиги шундан иборатки, бу масалага ҳар бир халқ ўзининг миллий ўзига хосликларидан, маънавий қадриятларидан, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган урф-одатларидан келиб чиқиб ёндошади ҳамда маълум мезонларга асосланади. Яъни амалдаги конституциявий меъёрлар билан бирга, халқ орасида сақланиб келган урф-одатлар ҳам амал қилиб келади. Инсониятнинг маънавияти даражаси ота-онага ҳурмат, аёлларнинг аҳволи ва уларга бўлган муносабат билан ўлчанади. Машҳур файласуф Ш.Фурье *«Жамиятнинг тараққиёт ва маданий даражаси унда аёлларга бўлган муносабат, уларнинг ҳур-бахтиёр ҳаёт кечириши учун яратилган шарт-шароит билан белгиланади»* деганида, бизнингча, у ҳар жиҳатдан ҳақдир.

* - Ф.Шарипов. *Сиёсатишуносликнинг илмий-методик асослари.Т.:1996.-3 б.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «*оналарни асраш керак дегани, бу - фарзандларни асраш, наслни асраш, охир-оқибатда миллатни асраш демакдир*» деган пурмаъно сўзларида аёлларга бўлган буюк эҳтиром яширинган. Аёлларни улуғлаш, эъзозлашга барча даврларда алоҳида эътибор бериб келинган. Зеро жамиятнинг маданиятлиги, демократик эркинликларнинг қарор топганлиги, хурфикрлиликнинг, адолатнинг улуғланиши аёлларга бўлган муносабатга қараб баҳоланилиши бежиз эмас. Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳи алайҳи васаллам таъкидлаганларидек, *“Жаннат оналарнинг оёғи остидадир”*. Онани рози қилган, ҳурмати жойига қўйган одам ҳеч қачон хор-зор бўлмайди. Ул табаррук зотдан “Энг биринчи кимга яхшилик қилайлик” деб сўраганларида *“Онангга, онангга, онангга, сўнгра отангга”* деб жавоб берган эканлар. Яъни уч бора «Она»ни қадрлаш, ҳурмати жойига қўйиш лозимлигини таъкидлаб, аёлларни эъзозлаш зарурлигига барчанинг эътиборини қаратганлар.

Аёлларнинг эрки, жамият тараққиётида ва оиладаги ўрни масаласига Шарқ билан Ғарбда турлича ёндашувлар мавжудлигига қарамай, уларнинг қарашлари ва интилишлари аёлларнинг бахтли, фаровон турмуш кечиришини таъминлашдек муштарак мақсадлар атрофида умумлашади.

Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги жамият ҳаётидан алоҳида ҳолда мавжуд бўлмайди. Кишилиқ жамиятининг ривожланиб бориши аёллар эркининг, ҳуқуқининг ҳимоя қилиниши кафолатидир. У жамиятда қандай сиёсат юритилаётганига мустаҳкам боғлиқдир. «Сиёсат, бу - сиёсий ҳаётнинг мазмуни, сиёсий мақсадлар мажмуи, сиёсий жараёнлар асосида амалий фаолият олиб борадиган сиёсий ҳокимиятнинг шахс-ижтимоий гуруҳ мутаносиблигини таъминлашга йўналтирилган ва ижтимоий аҳамиятга молик талаб-эҳтиёжларини амалга ошириш воситасидир»*. Юритилаётган сиёсат,

* - Шарипов Ф. *Сиёсатшуносликнинг илмий-методик асослари*. Т.:1996. -85-б.

сиёсий фаолликнинг манбаи шахс ва унинг кадр-қимматидир. Австриялик психолог ва файласуф В.Франкл индивидуалликнинг аҳамияти инсон шахсининг кадр-қиммати ва мазмуни ҳамма вақт у яшаётган жамиятга боғлиқлигини таъкидлайди. Америкалик социолог Т.Паркинсоннинг фикрича чинакам шахсий кадр-қиммат инсоннинг ўраб турувчи муҳит билан муносабатида, яъни унинг фаоллигида ифодаланади*.

Аёлларнинг ҳуқуқи ва маънавий-маърифий фаоллиги масаласи кўп қиррали муаммолар сирасига киради ҳамда шахснинг ижтимоий ҳаёти, жамиятдаги муносабатлар ва ҳаёт кечириш тарзига чамбарчас боғлиқдир. Аёлларнинг фаоллиги нафосатшунослик ва руҳиятшунослик соҳасида амалга оширилган ишларга ҳам ниҳоятда боғлиқдир. Аёлларга бўлган муносабатлар, уларнинг жамият ижтимоий ҳаётида фаоллиги масаласи инсон ҳуқуқий муносабатларининг муҳим бўғини бўлиши билан бирга умумжаҳон муаммосидир. Тарих гувоҳлик берадики, ҳар бир даврда жамият маънавий ҳаётида аёлларнинг ўрни масаласига турлича ёндошилган. Ҳатто ҳозирги ўз якунини топган XX асрга таяниб туриб ҳам бирон-бир шаклни барча халқлар учун мос келадиган тизим, деб айтиш имкони йўқ. Шу маънода ёндашилганида аёлларнинг ҳуқуқлари таъминлаб берилган ва халқаро миқёсда қабул қилинган ягона умумий қоида мавжуд эмас. Шу билан бирга аёлларга берилган эркинликлар ва имтиёзлар фақат бугунги кун нуқтаи назаридан баҳоланади, ваҳоланки кишилик жамияти тараққиёти тарихидан келиб чиқиб баҳоланиши зарур. Турон заминида Тўмарис, Зарина, Туркон хотин, Малика Сайида, Хотуншоҳ, Зухрабегим, Нодирабегим ва бошқалар мамлакатни бошқарганида, Бибихоним, Гавҳаршодбегим, Қурбонжон додхоҳ каби ўнлаб зукко аёллар давлатнинг ички ва ташқи сиёсатида катта рол ўйнаган даврларда, Қурбонжон додхоҳ элчи бўлиб келган чоризм зобитини қабул

*- Сафоев Ў. Ўзи - ҳақиқат, «мен»и - қадрият. /Ж.Тафаккур, 1/2003.-32б.

қилмай, генерал Черняевни ўзининг ҳузурига келишга мажбур этганида, аёллар сиёсат майдонига чиқмаган эдими?,- деган ҳақли савол туғилади. Дарҳақиқат, кейинги юз йилликда аёллар сиёсий фаоллигининг ошишида ундан олдинги асрга нисбатан бирмунча ютуқларга эришилди. XX асрда етишиб чиққан ва машҳур давлат арбоби бўлган аёллар бунга далилдир. Булар ўз давлатларида бош вазир лавозимида фаолият кўрсатган Индира Ганди, Маргарет Тэтчер, Беназир Бхутто, Тансу Чиллер ва мамлакат сиёсий фаолиятида фаол иштирок этаётган Мадлен Олбрайт, Д.Ғуломова, С.Рашидова, Г.Старавойтова, Татьяна Дяченко, И.Ҳакамада, Г.Матвиенколардир. Шундан келиб чиқиб, жаҳон тарихида аёлларнинг сиёсий фаоллиги даражасини ошириш йўналишида эришилган ютуқни мамлакат бош вазири лавозимини эгаллаган 5 аёл билан баҳолайдиган бўлсак, хато қилган бўламиз. Чунки ўлкамиз тарихида машҳур давлат арбоби бўлган ўнлаб момоларимиз юртларни бошқарганлар. Шу сабабли юқоридаги аёллар сиёсий фаоллигини ошириш соҳасидаги бой миллий-маънавий кадриятларимизга, Туркистон заминида аёлларнинг улуғланиши ва уларнинг сиёсий фаоллик даражасига тенглаша олмайди. Мана шу қиёслашнинг ўзиёқ, бизнинг қандай халқ эканимизни, аёлларни қанчалик эъзозлашимиз ва ҳурмат қилишимизни кўрсатиб туради.

Туркистон заминида аёлларнинг улуғланишига қадимий миллий кадриятларимиздан ҳам кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Масалан, 2002 йилда бутун жаҳон илмий жамоатчилиги томонидан 2700 йиллиги кенг нишонланган «Авесто»да нур билан зулмат ўртасидаги, яъни ёруғлик ва қоронғилик, жасурлик ва кўрқоқлик, иссиқ ва совуқ, гўзаллик ва хунуқлик, яхшилик ва ёмонлик, ҳаёт ва ўлим ўртасидаги кураш олий тамойил даражасига кўтарилади. Ушбу китобда аёлларнинг жамиятдаги ўрнига, уларнинг фаоллигига катта аҳамият берилади. Масалан, унумдорлик, ҳосилдорлик, фаровонлик маъбудаси Анахита гўзал қиз қиёфасида берилади. Маъбуданинг бу қиёфадалиги беҳуда эмас, балки аёлнинг ҳаётни давомчиси, уни

фаровонлигини таъминловчи эканига ишорадир. Бундан ташқари китобда ойни «Ой момо», ерни «Она ер», ҳавони «Момо ҳаво» деб аталиши ҳамда уларга атаб турли маросимларнинг ўтказилиши ҳам юқоридаги фикримизнинг далилидир. Айни пайтда ёмғир сўраш учун «Суст хотин», шамол чақириш учун «Чой момо» каби маросимларни ўтказишган, қурбонлик қилишган ва ўтганларнинг руҳига олов ёқиб, уни тавоф қилишган, оловни ўчиб қолмаслиги учун ҳам аёллар масъул бўлишган. Ҳатто болани олдиришнинг гуноҳ экани таъкидланиб, оналар бундай жиноятдан тийилишга чақирилади. Агар «аёл ... тириклик мевасини нобуд қилса, бу одам ўлдириш билан тенг бўлиб, гуноҳи ҳам аёлнинг, ҳам эрнинг гарданидадир»*. Ваҳоланки, энг демократик давлат ҳисобланган АҚШ мамлакатада ҳам аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини таъминлаш борасида бир қатор муаммолар мавжудлиги кўзга ташланади.

АҚШда 1926 йилга келибгина аёллар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўлган. Ёки аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини энг юқори даражада таъминлашми, деб матбуот саҳифаларида шов-шув кўтаришни ёқтирадиган Россия Федерациясида ҳам Президентнинг 1995 йилда давлат лавозимларига аёлларни тайинлаш тўғрисидаги махсус фармонида қарамай, ҳукуматда ҳам, Президент аппаратида ҳам аёлларнинг сони кўпайгани йўқ. Россия Федерацияси Федерал Кенгашининг 178 та аъзосидан фақатгина 2 тасини, Давлат думаси аъзоларининг эса 10,2 фозини аёллар ташкил қилган. Тадбиркорлик, маънавий-маърифий соҳада ҳам аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги кўзга ташланмайди.

Мустақилликнинг ўтган йиллари мобайнида гуманитар ва техника олий ўқув юртлари тармоғи кенгайди. Уларнинг аксарияти эса вилоят марказларида қад кўтарди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида республиканинг барча

* - Т.Маҳмудов. *Авесто. Тафаккур. 2002 й. 1-сон.*

минтақаларида коллежлар ва лицейлар очиш кўзда тутилган бўлиб, бу йўналишда катта муваффақиятларга эришилди. Бу эса хотин-қизларга уйларида жуда узоқ жойга бориб ўқиш ўрнига ўз турар жойидан қатнаб касб-хунар эгаси бўлишига ёки олий маълумотли бўлишига имконият яратди. Шу билан бирга аёллар маълумотини ошириш, билимли, хунар соҳиби қилиш соҳасида ҳам талай муаммолар бор. Бундай муаммоларнинг бирламчиси таълимнинг контракт-тўлов тизимига ўтказилишидир. Ўз-ўзидан маълумки, бозор иқтисодиётига ўтиш қийинчиликларини бошидан кечираётган кўпчилик аҳоли ортиқча маблағга эга эмас. Уларни пул тўлаб фарзандларини ўқитишга имкониятлари етарли деб бўлмайди. Иккиламчи муаммо - қизларнинг ёш турмушга чиқаётганликлари, яъни оила юмушлари билан банд бўлиб қолиб, билим ололмай қолаётганликларидан иборатдир. Умуман бу каби омилларнинг таъсири натижасида олий ва ўрта-махсус маълумот олаётган аёллар сони камайиб бормоқда. Ваҳоланки, аёлларнинг кўпайиш даражаси эркакларга қараганда бирмунча юқориликка қолмоқда. Аёлларнинг уйдаги юмушларни бажаришини енгиллаштиришга мўлжалланган замонавий уй-рўзғор буюмлари, турли-туман қурилмалар ҳозирча барча ўзбек хонадонларига кириб боргани ва ўзбек аёлларига хизмат қилаётгани йўқ. Иш жойидан чарчаб-толиқиб келган аёл дам олиш ўрнига уйдаги оғир юмушларга ўралашиб қоляпти. Ваҳоланки, юқорида айтганимиздек, бозор иқтисодиётининг залворли юки аёлларнинг, хусусан оналарнинг гарданига тушмоқда.

Аёллар меҳнатга лаёқатли аҳолининг катта қисмини ташкил этиши сабабли уларни унумли меҳнат билан таъминлаш халқ хўжалиги ва мамлакат тараққиёти нуқтаи назаридан қараганда жуда катта аҳамиятга эга. Бандлик

* - *Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги. Статистический сборник. «Семья в Узбекистане», 2001. С. 74.*

хизматлари томонидан касбга ўргатиш йўлга қўйилганлиги, аёлларимизнинг тадбиркорлик фаолияти ва уйда меҳнат билан шуғулланишларига имконият яратилаётганлиги сабабли миллий иқтисоди-ётимизда уларнинг роли ошиб бормоқда. Республика аёллар қўмитаси, «Тадбиркор аёллар» уюшмаси, Оила ва саломатлик марказлари мамлакатимиз аёлларининг жамият ҳаётида фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида «Аёл ва оила», «Аёл ва жамият», «Аёл ва меҳнат шарт-шароитлари» каби масалалар ўзида энг долзарб, муҳим муаммоларни акс эттирмоқда ва бу муаммоларнинг ечимини топиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Оммавий нашрларда, адабиёт ва санъатда эскича қарашлар, яъни аёлларни меҳнаткаш пахтакор, қурувчи, жамиятни бунёдкорлари каби баландпарвоз сўзлар билан улуғлашлар, тасвирлашлар эскирди. Истиқлол, мустақиллик туфайли аёл, аввало, оилага, болалар тарбиясига қайта бошлади.

Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини таъминлашда ижтимоий муҳит ва унинг таркибий қисми бўлган оилавий муҳитнинг алоҳида ўрни бор. Ижтимоий муҳит аёлларни фаол бўлишга рағбатлантирса, оилавий муҳитда унинг баркамолликка эришуви учун зарур шарт-шароитлар яратилади, яъни ижтимоий муҳитнинг кичик бир бўлаги ҳисобланган оилавий муҳитнинг аёллар фаоллигини оширишдаги ўрни бекиёсдир.

Баъзи оилалардаги низолар ва ўзаро келишмовчиликлар, ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик каби зарарли иллатлар нафис вужуд соҳибаси ҳисобланган аёлларимизнинг асаб тизимини издан чиқаради. Асаб тизимининг зўриқиши эса турли-туман руҳий хасталикларни келтириб чиқаради, шахснинг ғайриинсоний ҳодисаларни содир этишига сабаб бўлади. Бунга, албатта, аёллар саломатлиги даражасининг сезиларли даражада пасайганлиги, аёллар ўртасида камқонлик, шамоллаш, сариқ касалликларининг кўпайганлиги ҳам катта таъсир кўрсатади.

Биз таъкидлаб ўтган оилавий муҳитнинг носоғломлигига, аёлларнинг сиёсий фаоллигига салбий таъсир этадиган ички омиллардан ташқари ташқи омиллар ҳам мавжуд. Бунга корхона ва ташкилотларда аёллар учун зарур меҳнат шaroитларининг яратиб берилмаганлиги, бозор иқтисодиёти, иқтисодий танқислик, ҳар бир сўм қаттиқ ҳисоб-китоб қилинаётган, тежаб ишлатилаётган ва баъзи озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари кескин даражада ошиб кетган даврда аёлларнинг, айниқса, ҳомиладор аёлларнинг витаминли овқатларни истеъмол қилиш миқдори камайганлиги, экологиянинг ёмонлашиб бориши, кимё саноати зарарли чиқиндиларининг инсон ҳаётига жадал кириб бориши, қуёш радиацияси фаоллигининг ошиши, заводлар ва автомашиналар шовқин-суронининг кўпайиши каби аёлларимизнинг асаб тизимига ва соғлигига салбий таъсир кўрсатаётган ташқи омилларни келтириб ўтишимиз мумкин.

Экологик муҳит яшаш учун оғир бўлиб турган минтақалардан бири Оролбўйи минтақасидир. Оролбўйи минтақасида аёллар ва болаларнинг саломатлигини таъминлаш давлат миқёсидаги муаммо бўлиб турибди. Ушбу масалани ҳал қилишда айрим хайрия тадбирларини ўтказиш билангина чекланмасдан, 10-15 йилга мўлжалланган давлат дастури ишлаб чиқилиши ва давлат маблағи ҳисобидан комплекс тадбирлар амалга оширилиши зарур, деб ҳисоблаймиз. Чунки бу минтақада аёлларнинг саломатлиги масаласини оилавий муҳит доирасида кўриб чиқиш, яъни бир ёқлама баҳолаш билан аҳолини оммавий тарзда соғломлаштириш масаласини ҳал этиб бўлмаслигини яхши биламиз. Аёллар саломатлигини таъминлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллик-ларини ошириш учун аввало ташқи омилларни ҳисобга олиш лозим. Бундан ташқари, аёллар соғлигини мустаҳкамлашда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш маданиятини қарор топтиришнинг алоҳида ўрни бор.

Мамлакатимизда ўтказилган сўров натижасига кўра 2000 йиллардаги маълумотларга қараганда 30 йилдан ортиқ турмуш қурганларнинг 85 фоизи ўзларининг биринчи никоҳи эканини билдиришган. Аммо кейинги ўн йил ичида биринчи никоҳ билан қурган oilаси билан ажралишаётганларнинг сони 5 баравардан кўпроққа ошганлиги бу масалани эътибордан четда қолдирмаслик

зарурлигини билдирмоқда. Доимо халқимиз келажаги, мамлакатимиз тақдири хусусида қайғурувчи Юртбошимиз бу масаланинг муҳимлигига халқимизнинг эътиборини қаратдилар ва 2012 йилни “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилдилар. Дарҳақиқат бир вақтлар турмуш ўртоғи вафот этган, оғир касалга чалинган ва бошқа шу каби табиий ҳолатларни истисно этадиган бўлсак, Ўзбекистонда ажралиш жуда кам миқдорни, яъни 1000 кишига 0,9 фоизни ташкил этган*. Бизнинг фикримизча, бу масалага шарқона руҳда ёндошилиши, баҳс ва мунозаралар юритилиши, жамиятни ўзига хос мақбул йўлни танлаб олишига йўл берилиши керак.

Ўзбек оилалари ўзининг мустаҳкамлигига, баъзи халқлардагидан афзаллигига қарамай бир қатор мақолалар ва тадқиқотларда ўзбекона турмуш тарзи тўғридан-тўғри танқид остига олинади, баъзиларида эса «Айрим ҳоллардагина янги қурилган ёш оила алоҳида ҳолда яшайди. Аксарият ҳолларда аёллар эрининг ота-онаси, ака-укалари билан бирга яшайдилар. Бундай оилада ёши ва жинсига қараб оила аъзоларининг қатъий белгиланган ўрни бўлади, энг ёш келин эса энг қуйи мақомга эга бўлади»**, шу сабабли уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги паст бўлади, деган нотўғри хулоса чиқарилади. Биз бундай фикрлашларга қўшила олмаймиз. Афсуски, бундай қарашлар мамлакатимиз оммавий матбуотида рус тилида чоп этилган мақолаларда, ҳатто давлат ҳужжатларида кўплаб учрайди.

Ўзбекона «келин» бўлишнинг, иззат-ҳурмат кўришнинг, билмаганини «янги ота-онаси»дан ўрганишнинг фойдали жиҳатларини англаб етиш учун айрим инсонларга бу ўлкада яшашнинг ўзи кифоя қилмас экан. Қолаверса, ҳар бир ўзбек оиласида ёшига, жинсига қараб унинг ўрни белгилаб қўйилган ва келин қуйи мақомда бўлмайди. Келин оилада ўзидан ёши кичикларнинг барчасига жинсидан қатъий назар маслаҳатгўй, тарбиячи вазифасини ўтайди.

* - *Ўтиш даври, ислоҳотлар ва аёлларнинг аҳволи. Ўзбекистон Республикаси аёлларининг аҳволи тўғрисидаги маъруза. Т.:2001.-22 б.*

** - *Доклад о положении женщин в Республике Узбекистан. Т.:2003, С. 21.*

Кеча ўзи барчадан маслаҳат оладиган шахс, келин бўлгач тарбиячи мақомига эришади ва фарзанд кўриши билан бу мавқеи мустаҳкамланиб боради. Яъни келин бўлиш ҳам унинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини чеклаб қўйилиши эмас, аксинча, сиёсий фаоллиги ва жамиятда роли ошиб бориш жараёнининг янги бир босқичи экан. Ўз-ўзидан маълумки, келиннинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва оилада роли ошишининг яна бир босқичи она, яъни мураббий бўлишидир.

«Аёлларнинг ишлаб чиқаришдан уйи ва болалари тўғрисида қайғуриш соҳасига кетиши, бир томондан, уларнинг иқтисодий қарамлигини оширади, иккинчи томондан, уларнинг ҳақ тўланмайдиган меҳнати ҳажмини кўпайтиради»*, деган қарашларга ҳам қўшила олмаймиз. Чунки баркамол шахсни тарбиялаш кишилик жамияти олдида турган муҳим вазифа бўлиб, бу фаолият жараёнини олиб боришда аёлларимиз ўзларининг ижтимоий-сиёсий фаолликларини намоён қилмоқдалар. Бу ҳақда қуйида батафсил фикр юритилади.

«Ўзбек оиласида даромадга одатда эркаклар эгалик қилади. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги акушерлик ва гинекология институтида ўтказилган ижтимоий сўров натижасига кўра, аёлларнинг фақат 27 фоизи (асосан турмуш қурмаганлар, ёлғизлар ва оила боқувчиси ҳисобланганлари) ўзлари ишлаган пулга эгалик қиладилар, оилаларнинг 12 фоизида уларнинг пулидан қандай фойдаланиш тўғрисида эрлари қарор қабул қиладилар, оилаларнинг 41,2 фоизида оила аъзолари ва бошқа қариндошлари томонидан қарор қабул қилинади, қолган ҳолларда эса бошқа қариндошлари ҳал этадилар»**. Тўғри, ўзбек оилаларининг аксариятида эркак оила бошлиғи ҳисобланади ва у оиласи учун жамият олдида масъулдир. Айрим халқларда эса

*- Доклад о положении женщин в Республике Узбекистан. Т.:2003, С.21.

** - Медико-демографическое исследование. Т.:1996, С. 31.

бошқача, хусусан русларда оилани бошқариш масъулияти аёлларнинг зиммасига юклатилади, у оила маблағидан ўзи хоҳлаганича фойдаланади ва ҳатто оила аъзоларига ҳисоб ҳам бермайди. Лекин буни ҳеч ким таҳлил қилмайди, кўриб-кўрмаганга олинади, фойдали ёки зарарли томонлари хусусида ўйлаб ҳам кўрилмайди. Биз бунда баъзи аёлларнинг тилла тақинчоқларга ўчлиги, ортиқча яسانيш-тусанишларга берилиши, сарф-харажатларни ёктириши сабабли қўлида пул тармаслиги туфайли оила бюджети зарар кўриши ҳақида фикр юритяпмиз. Оила бюджетини ичкиликларга ва бошқа муҳим бўлмаган нарсаларга сарфлаб қўйиши оқибатида фарзандлари ҳатто мактабга сумкасиз, йиртиқ кийимда қатнаётган рус оилалари ҳам мавжудлигини эслаб ўтдик, холос. Ёинки, жиноят содир этиб, ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка берилиб кетиб, фарзандларини “Болалар уйлари”га топшириб, ўзи эса айшини суриб юрган ва оила бошлиғи ҳисобланган рус аёллари ҳақида гапириб ўтирмасак ҳам бўлади.

Иш ҳақидан фойдаланиш масаласида ўзбекона турмуш тарзимиздан камчилик қидириш адолатдан эмас, деб ҳисоблаймиз. Чунки ўзига тўқ бўлган кўпчилик хонадонларда аёлларнинг ишлаб топган пуллари оила бюджетига қўшилмайди, балки ундан ўзларига пардоз-андоз буюмларини олиш учун фойдаланадилар. Қолаверса, фақат ўзбекларда эмас, балки барча халқларда оила бюджети мавжуд бўлиб, кўпчилик ҳолларда у оила бошлиғи бўлган эркак томонидан, хотини ва пул ишлаб топган оила аъзолари билан бамаслаҳат сарфланади.

Аксарият ўзбек оилаларида оила даромади айрим халқлардагидек спиртли ичимликлар, зиёфатлар, сирли учрашувлар, дам олиш жойларидаги хузур-ҳаловатлар учун эмас, балки оиласининг кундалик таъминоти учун сарфланади ва фарзандларининг келажаги учун жамғарилади. Афсуски, ҳозирги вақтда мамлакатимизда аҳолининг пул даромади пастлигича қолмоқда

ва оила бюджетининг асосий қисми уй-жой коммунал хизматларига ва истеъмол моллари сотиб олишга сарфланмоқда.

1-жадвал

Аҳоли пул даромадидан фойдаланишининг таркибий тузилиши*

(жами даромадга нисбатан фоиз ҳисобида)

Номланиши	1993	1995	1997	1999	2003
Жами даромад	100	100	100	100	100
Шундан, озиқ-овқат, саноат моллари сотиб олишга	66,8	62,9	77,7	80,2	87,3
Уй-жой, коммунал хизматларга	5,7	4,1	7,5	7,9	8,5
Солиқ тўловларига	18,7	15,3	4,7	2,8	2,0
Бошқа хизматларга	0,2	0,0	0,1	0,2	0,3
Аҳолида қолган пул қолдиғи	8,6	17,8	10,0	7,0	3,5

Агар оиланинг даромади ривожланган мамлакатлардагидек юқори даражада бўлса, халқимизнинг турмуш шароити яхшиланган, биринчи навбатда аёлларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги даражаси юксалишига эришилган бўлар эди. Бу йўналишда айрим муваффақиятларга эришилди. Мустақил мамлакатимиз эришган ютуқларининг асосида тараққиётнинг ўзбек модели ётади. Сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда «Кучли давлатдан - кучли жамият сари» тамойили амалга оширилмоқда. Дарҳақиқат, ҳуқуқий давлат яратиш ўзбек миллий моделининг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Чунки Президент Ислон Каримов томонидан ишлаб чиқилган янги жамият, инсонпарвар, ҳуқуқий давлат яратишга доир кўрсатмаларнинг асосида ҳам барча нарсдан қонуннинг устуворлиги ғояси ётади.

* - *Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги. Статистический сборник. «Семья в Узбекистане», Т.:2003. «Основные социально-экономические показатели», Т.:2003.*

Республикада аёлларга, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга жиддий эътибор берилаётгани бежиз эмас. Чунки аёлларимиз мустақил Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини яратувчилар, қолаверса мамлакатимизнинг буюк келажагини яратувчиларни тарбияловчилар ҳисобланишади. Аёлларнинг саломатлигини тиклаш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш бўйича кўпгина ишлар қилинмоқда. Президент Ислон Каримов «Ҳар қандай таназзулдан таҳликали мушкул аҳволдан, авваламбор, халқнинг мардлиги, бунёдкорлик салоҳияти, теран маънавияти, содда қилиб айтганда одамларнинг мададига таянибгина чиқиш мумкин. Маънавият халқнинг, миллатнинг, давлатнинг куч-қудратидир»*, деб бежиз таъкидламайди.

Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш йўлларида бири уларни иш билан таъминлаш орқали жамият фаолиятида иштирок этишларига шарт-шароит яратишдан иборат. Меҳнат қилиш орқали улар ўзларининг нафақат моддий, балки маънавий эҳтиёжларини қондириш, ўз билимини ошириш, соғлигини мустаҳкамлаш имкониятига эга бўладилар.

Афсуски аёлларни ишга қабул қилишда турли тўсиқлар учрайди. Бунинг табиий сабаблари мавжуд, албатта. Масалан, қарамоғида фарзанди бўлган аёлни ишдан кейин қўшимча ишга жалб этиш, дам олиш кунлари ишлаб чиқариш зарурияти туфайли ишни давом эттиришини талаб қилиш амалдаги қонунчилигимиз асосида ҳам мумкин эмас. Бундан ташқари бетоб фарзандига қарагани учун пул тўланадиган касаллик варақасининг юритилиши ва ўз ҳисобидан қўшимча таътил олишда фақат аёлларгагина имтиёз берилган бўлиб, зарурият сабабли у ушбу имтиёзлардан фойдаланади ва бир ой мобайнида эркакларга нисбатан ўртача 20-25 соат кам ишлайди. Унинг танаффуслар билан ишлаши, иш пайтида ҳам асосий ўй ва ташвиши болалари тўғрисида қайғуриш

* - Ислон Каримов. «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига жавобларидан. «Ўзбекистон овози», 1999 й. 9 феврал.

билан банд бўлиши, қолаверса янги фарзанд кўриши натижасида узок муддатга таътилга чиқиб, иш ўрнини банд қилиб қўйиши, энг асосийси, ишдаги узилишлар натижасида тажриба ва касбий малакасининг пасайиши юз беради. Ушбу сабабларни ўзига қурол қилиб олган раҳбарлар имкон қадар бўш ўринга эркакларни ишга олишга ҳаракат қиладилар. Ваҳоланки, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш учун жамият олдида турган бирламчи вазифа уларни иш билан таъминлашдир. Бизнинг фикримизча, бу йўналишда бир неча ўн йилларга мўлжалланган давлат дастури ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич амалга оширилиши керак. Чунки аёлларнинг иш билан бандлиги даражаси умумий иш билан бандликнинг ўртача даражасидан анча паст кўрсаткични ташкил қилмоқда.

Республиканинг амалдаги қонунлари, аввало, меҳнат қонуни талабларига кўра, онани муҳофазалаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Унда ҳомиладорлик ва болага қараш учун нафақа тўланадиган таътил берилиши кафолатланган. Ҳомиладор ва бола эмизувчи аёллар учун алоҳида меҳнат шароитлари, хусусан, бундай аёллар билан иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш мумкин эмаслиги, аёлларни оғир ва зарарли ишларга қабул қилишнинг таъқиқланганлиги, болали аёллар тунги, иш вақтидан кейинги қўшимча ишларга, хизмат сафарларига жалб этилмаслиги, қўшимча таътил берилиши кўзда тутилган. Иш берувчи ушбу шартларни бажариши шарт, аммо аёллар томонидан оммавий матбуот нашрларига, адлия идораларига йўлланаётган кўплаб хатларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу қоидалар бозор иқтисодиёти талаблари баҳонасида кўпчилик хўжалик субъектлари раҳбарлари томонидан қўпол равишда бузилмоқда. Хусусан, қўшма корхоналар ва хусусий тадбиркорлик кўринишидаги хўжалик субъектларида аёлларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ҳам, уларга зарур меҳнат шароити яратиб берилиши ҳам эътибордан четда қолиб келмоқда. Чунки бозор иқтисодиётида хўжалик юритувчи субъектга ходимларнинг шунча

фоизи аёллардан иборат бўлиши керак деб ақл ўргатиш, Олий Мажлис, Вилоят кенгашлари депутатларининг шунчаси аёл бўлиши зарур, деб кўрсатма бериш тўғри бўлмайди, албатта. Бозор иқтисодиёти талаблари бундай сунъий тақсимотни ҳам, маъмурий-бошқарув аппаратининг жамият ҳаётини бошқаришга бу тарзда ёндашувини ҳам инкор этади. Чунки, бозор иқтисодиёти сунъийликни, расмиятчиликни, алдовни ёқтирмайди. Шу сабабли бозор иқтисодиётида яшаш унинг барча талабларини қабул қилиш демакдир, уни жамиятнинг у соҳасида қарор топтириб, бу соҳасида тўхтатиб қўйиш мумкин эмас, биз буни қанчалик тез тушунсак, ислохотларимиз шунчалик жадал борган бўлар эди. «Инсонга муносиб ҳаёт шароити, унинг ўзини намоён қила олиши учун имкониятлар яратиш иқтисодиётимизни ва бутун жамиятни ривожлантиришнинг олий мақсадидир»*.

Жамиятда аёлларнинг ролини ошириш ва ижтимоий-сиёсий фаолликларини кучайтириш учун уларнинг бола тарбияси билан машғул бўлган ҳамда бошқа сабабларга кўра тўлиқ иш куни давомида ишлаш имкониятига эга бўлмаган қисмини уларнинг имконияти даражасида иш билан таъминлаш зарур. Бунинг учун бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган ишлаб чиқариш муносабатларини қарор топшириш, ширкатларга уюшган ҳолда аёлларнинг уйда иш бажаришини, яъни касаначиликни йўлга қўйиш зарур. Бизнинг фикримизча, давлат томонидан аёллар сиёсатида шундай йўл тutilмаса, меҳнат фаолиятида иштирок этмаётган уй бекаларининг миқдори ошиб боради, оила фақат оила боқувчисининг даромади асосида кун кечириши натижасида ночор оилаларнинг сони ошиб боради, бу эса жамиятда жисмоний-маънавий соғлом баркамол шахсларни етиштиришга, қолаверса, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаолликларини оширишга зид ҳолатдир.

* - Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.: Ўзбекистон, 1992.-48 б.

Айниқса қишлоқ жойларда меҳнат фаолиятида иштирок этмаётган уй бекалари катта миқдорни ташкил этмоқда

Собиқ Совет Иттифоқининг маъмурий-буйруқбозлик тизими даврида аёлларга баъзи эркинликлар яратилган бўлишига қарамай, шахс эркини, дахлсизлигини, ҳуқуқларини таъминлаш масалаларида қатор камчиликлар мавжуд эди. Чунки, марксча-ленинча таълимот инсоннинг мутлақ кадр-қиммат топишини инкор қилади, коммунистик ижтимоийликни кадрлайди. Унга кўра, ноёб истеъдод соҳиби бўлган айрим инсонлар «улуғ ишлар»га хизмат қилганидагина муайян даражада кадр-қимматга эришиши мумкин. Маркча-ленинча гуманизмда ҳаётда умуман учрамайдиган қандайдир мавҳум «янги инсон» нуфузли шахс ҳисобланган. Инсон кадр-қимматига бундай ғайриилмий, ғайриинсоний қарашлар, муносабатлар ижтимоий ҳаётда аввал хусусий мулкдорларни қулоқ қилиш билан бошланиб, коллективлаштириш, аёлларни гўё озод қилиш учун бошланган «Хужум» кампанияси, «Ўзбеклар иши» каби юзлаб сиёсий кампанияларнинг режалаштирилиши ва амалга оширилиши аёлларимизнинг бошига катта фожиаларни олиб келди. «Эндиликда инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ва эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонидан қафолатланади. Демократиянинг асл моҳияти инсон кадр-қиммати ҳамма нарсадан улуғ деган ақидадан иборат бўлмоғи лозим»*, деб таъкидлайди Президент Ислом Каримов.

Инсон - ижтимоий мавжудот, демак унинг кадр-қиммати барча замонларда ва ҳар қандай ижтимоий-тарихий шароитда жамият томонидан белгиланади. Ҳар қандай жамиятда инсон - олий кадрият ҳисобланади. Инсон кадр-қиммати тушунчаси моҳиятига кўра инсон ҳуқуқлари, жамият ва шахс, давлат ва фуқаро ўртасидаги ўзаро тотувликка боғлиқ бўлади. Ўтмиш

1. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият.- Т.:Ўзбекистон, 1994,-97 б.

мутафаккирлари инсон қадри, аввало, унинг эрки ва ҳуқуқларида намоён бўлишини таъкидлаганлари бежиз эмас. Инсонга берилган ҳуқуқларсиз кадр-қиммат мавҳум бир тушунчалигича қолаверади. Чунки инсон ҳуқуқларининг ўзи инсонлик кадр-қимматини англашдан бошланади. Хуллас, ижтимоий ҳаётда ҳар бир инсоннинг олий қадрият даражасига кўтарилиши жараёнида, яъни шахс давлат ва жамият учун, давлат ва жамият эса шахс учун чинакам қадрият тусини олгандагина инсон ҳуқуқлари муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли инсоннинг кадр-қимматини тан олиш унинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашдан бошланиши керак.

Республикамизда сиёсий барқарорликнинг мавжудлиги боис кенг миқёсда бунёдкорлик-яратувчилик ишлари олиб борилмоқда. Мустақил Ўзбекистонимиз эришаётган ютуқлар бутун жаҳон аҳлининг диққат-эътиборини ўзига тортмоқда. Айниқса, республикамизда бунёдкорлик соҳасида эришилган ютуқлар таҳсинга лойиқдир. Юртимизда бунёд этилаётган кўплаб ишалаб чиқариш корхоналари, фирмалар, ширкатлар, акциядорлик жамиятлари, ўнлаб гўзал меҳмонхоналар, осмонўпар турар жой ва жамоат бинолари, кўзни қамаштирувчи ҳил-ҳил пишган турли меваларга тўлиб-тошган бозорлар, шинам кўчалар, кенг йўллар, хуллас, санаб саноғига етиб бўлмайдиган ўзгаришлар бунга далилдир. Бу янги қошоналар, масканлар ва уйларда хусусан аёлларимиз учун замонавий қулайликлар, иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий фаолият кўрсатиш учун шарт-шароитлар яратилган.

Давлатимизнинг аёллар фаолиятини ривожлантириш борасида ишлаб чиққан ва амалга ошираётган сиёсати, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маърифий соҳаларда кўрсатаётган фаолликларининг моҳияти ва мазмуни юқорида баён этилган бунёдкорлик соҳасида эришилган ютуқларда ўз аксини топмоқда.

Тоталитар тузум шароитида хотин-қизлар фаоллигини оширишда йўл қўйилган камчиликлар ва уларнинг салбий оқибатлари

Тоталитар тузум шароитида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш сиёсатидаги жиддий бузилишлар ўлканинг чор Россияси томонидан истило қилинганидан кейин юз берган бўлиб, уларнинг салбий оқибатлари турмуш тарзимизга хануз хавф солиб турибди. Бу хавф ичкиликбозлик, кашандалик, гиёҳвандлик, порахўрлик, оиланинг муқаддаслигини тан олмаслик каби иллатлардир. Собиқ Иттифоқ барҳам топиб Ўзбекистон мустақилликка эришгач, уларнинг салбий оқибатларини тугатишга киришилди.

Халқимизнинг кўҳна тарихини ҳар томонлама мукаммал ва чуқур ўрганиш, уни турли тухмат ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир. Чунки, кейинги етмиш йилдан ортиқ вақт мобайнида халқлар, бутун-бутун миллатлар ўз маданиятининг қонуний вориси сифатида ундан фойдаланиш имкониятларидан кўп ҳолларда маҳрум қилиниб, деярли бир хил андозада, миллий ўзига хосликдан имкон қадар узоқлаштирилган ҳолда тарбияланди ва ривожланди. Жумладан, ўзбек халқи, ўзбек аёллари тақдирида ҳам буни кўриш мумкин. Ҳатто яқин вақтларга қадар халқимизнинг тарихи ўқитилмади, урф-одатлар таъқиқланди. Турмуш тарзимиз танқид остига олиб келинди. Аёлларимизнинг оиласига меҳр қўйиши, ота-онаси ва турмуш ўртоғига садоқати маънавий қолоқлик, деб баҳоланди. Бир қатор тарихий шахсларимиз фаолиятига нотўғри, бир ёқлама баҳо бериб келинди. Шоҳлар, хонлар ва амирлар хусусида фикр юритилса, уларнинг олиб борган ички ва ташқи сиёсати, халқига, аёллар ва болаларга қилган ғамхўрликлари эмас, балки уларнинг инсон сифатидаги қусурлари, нечта хотини борлиги ҳақида ёзилди ва ёшларга чала, ёлғон маълумотлар ўргатилиб келинди. Энг ачинарлиси, буюк аجدодларимиз Амир Темури, Хусайн Бойқаро, Бобур кабиларни фақат босқинчи, эзувчи, ёвуз подшолар, дея ёшларимизга сабоқ бериб келинди.

Уларни буюк қилиб тарбиялаган зукко аёлларимиз, Бибихонимлар, Нодирабегимлар тўрт девор ичига қамаб қўйилган саводсиз, жоҳил, илм-маърифатдан бегона кимсалар қиёфасида тасвирлаб келинди.

Бизнинг қадимий гўшамиз Туркистон не-не буюк даҳоларни етиштирган, жаҳон илм-фани равнакига беқиёс даражада ҳисса қўшган қомусий илм соҳибларини, буюк олималар ва шоираларни яратиб берган диёрдир. Биргина Тошкент шаҳри мисолида буюк тарихимизга кўз ташлайлик. Бу ерда Хўжа Ахрори Валий ва бошқа шу каби буюк зотлар етишиб чиққанлар ҳамда тасаввуфни тарғиб қилганлар. Қора зулмат, мустамлакачилик истибдоди қуршаб олган Ватанни маърифатпарварлик орқали мустақилликка, ҳурликка элтмоқчи бўлган Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Беҳбудий каби жаид-маърифатпарварлар, Абдулла Қодирий каби фидойи инсонлар аёлларни маърифатли қилиш ғоясини тарғиб этдилар. Яқин даврларда пойтахтимизда яшаб ижод этган Шароф Рашидов, Иброҳим Мўминов, Ҳабиб Абдуллаев каби ўнлаб-юзлаб олимлар, давлат ва жамоат арбобларининг мустақиллик, озодлик, ҳурлик, ўлкамиз аёлларининг эрки, ўзига хос турмуш тарзи, юртнинг келажаги ҳақидаги оташин сўзлари, ўй-фикрлари ва шаффоф туйғулари бизга абадий ҳамроҳдир. Президентимиз Ислам Каримовнинг "...Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги бўлмайди"*, -деб айтган сўзлари ўринлидир.

Ҳар бир даврда ўтмишга, буюк аجدодлар меросига ўз маънавий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ёндошилади. Мустақилликнинг шарофати билан инсоннинг маънавий дунёсига алоҳида эътибор берила бошланди. Чунки инсоннинг маънавий дунёсини ривожлантирмасдан туриб, бошқа муаммоларни ҳал қилиб бўлмаслиги аниқ. "Халқнинг маънавияти ва

* - Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.: Ўзбекистон, 1992.-71 б.

маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги қайта тикланаётганлиги жамиятимизни янгилаш ва тараққий эттириш йўлидан муваффақиятли равишда олға силжитишда ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир"*.

Бизнинг диёримизда қадимги даврларда аёлларга паст тоифа сифатида қаралган ва уларнинг эрки поймол қилинган деган қарашлар, бизнинг фикримизча, турмуш тарзимизга қилинган бўҳтондан бошқа нарса эмас. Биргина эл-юртни оқилона бошқарган Тўмариснинг жасоратидек жасорат бошқа биронта мамлакат тарихида учрайдими? Тилларда достон бўлган француз миллий қаҳрамони жангчи аёл Жанна д-Аркни юртни моҳирлик билан бошқарган, эл-юрт раҳнамози бўлган Тўмарисдек табаррук инсонга тенглаштириб бўладими? Йўқ, албатта. Бизнинг тарихимизда бу француз қаҳрамонидек босқинчиларнинг додини берган аёллар сон-саноксиздир. Шу сабабли Туркистон аёллари хўрланиб, хор-зорликда яшаган деган фикрларни буткул инкор этамиз. Юқорида номлари санаб ўтилган, ўлкамиздан етишиб чиққан машҳур аёллар тўғрисидаги биргина мисолнинг ўзиёқ юртимизда аёлларнинг улуғланганлигига ишончли далилдир.

Демак, баъзи тадқиқотларда таъкидланганидек, чоризим босқинигача Туркистонда аёллар хўрланиб яшаган эмас. Уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги даражаси юқори бўлган, мамлакатни бошқарганлар, мактаблар очиб ёшларга таълим берганлар. Мисол тариқасида темурийлар даврида аёллар фаоллигини таъминлаш сиёсатига назар ташлайлик.

Аёллар фаоллигини таъминлаш сиёсати буюк Соҳибқирон Амир Темур даврида давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Зеро, халқимиз тарихида ўзининг инсоний камолоти, ижтимоий фаолияти ва илмий дунёқараши,

* - Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: Ўзбекистон, 1995.-139-140 б.

аёлларни иззат-ҳурмат қилиши билан довруғ қозонган улуғ зотлар бениҳоя кўп. Шундай табаррук ва улуғ инсонлардан бири Соҳибқирон Амир Темурдир. Ватани ва халқи олдида Амир Темурнинг хизматлари беқиёсдир. Соҳибқирон бобакалонимиз Амир Темур ва темурийлар даврида мамлакат ҳаётида ва жамият фаолиятида аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини таъминлашда катта муваффақиятларга эришилди.

Давлат ва халқ манфаатига тегишли бўлган ҳар бир масала юзасидан кенгашлар ўтказилиб турган. Кенгашда мўътабар дин вакиллари, аёллар, донолиги ва илми билан машҳур бўлган кишилар, амирлар, кўшин бошлиқлари, аймақларнинг оқсоқоллари, вазирлар, Соҳибқироннинг яқин кишилари иштирок этган. Ҳатто, бошқа мамлакатларнинг элчилари шарафига берилган зиёфатларда ўзининг ва юқори лавозимдаги амалдорларнинг аёллари, кизлари қатнашишига рухсат берган. Бундан ташқари Бибихоним ва бошқа сарой маликалари бошқа мамлакатлардан келган меҳмонлар шарафига ёки бошқа тантаналар муносабати билан зиёфатлар уюштириб турганлар ва бу зиёфатларда аёллар барча олдида ўз билимлари, заковатларини намоён этганлар. Умуман, бу даврда ҳам, ундан кейинги даврларда ҳам аёллар эркини муҳофазалаш, фаоллигини ошириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилган.

Қозонхоннинг қизи Сарой Мулк хоним, яъни Бибихоним Соҳибқирон бобомиз хотинларининг ичида каттаси ҳисобланар эди. У Амир Темурнинг набираларини баркамол инсон қилиб тарбиялаш билан шуғулланган. Бибихоним аёллар учун алоҳида мадраса қурдирган, мамлакатда аёлларга бошланғич таълим берадиган отин мактабларининг фаолият кўрсатишига шарт-шароитларни яратиб берган. Бу даврда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ҳақида бир ривоятни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман. Уруш сафарларидан бирида Соҳибқирон Амир Темур кўшинларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда

кийналиб қолади. Яқинроқда жойлашган шаҳар аҳолисидан сотиб олай деса, хазина бўшаб қолган. Улуғ бобомизнинг ажойиб хислатларидан бири шундай бўлган эканки, ул зот ҳақини тўламасдан туриб бирон-бир кишининг молини олишдан ҳазар қилган. Қандай чора-тадбир топишни ўйлаб боши қотиб қолган Соҳибқирон бобомиз шошилиш равишда пойтахтга чопар йўллаб, ҳисоб-китоб ишлари учун хазинадан маълум миқдорда олтин-кумуш тангаларни етказиб келиш ҳақида мактуб йўллайди. Ўз даврининг оқила аёли, гўзаллик, ақл ва фасоҳат мулкининг соҳибаси, деб ҳисобланган суюкли момомиз Бибиҳоним чопардан бобомиз ва кўшиннинг ҳолати ҳақидаги маълумотни тинглагач, хатнинг орқа томонига алланима, деб ёзиб уни чопарга узатади-да, шундай дейди: "Ушбу мактубни амирингизга элтингиз ҳамда таъкидланг-ки, етарли миқдордаги олтин-зарлар чошгоҳ бўлмасданок карвонлар билан жўнатилур". Амир Темур қисқа муддатда етиб келган чопарнинг сўзларини тинглаб, кам деганда бир ой муддатда етказиб келинадиган олтин тангалар кўз ўнгидан ўтади. Аммо унгача кўшиннинг озуқасини нима қилдим, дея чуқур ўйга ботади. Бибиҳонимнинг хатнинг орқа томонига ёзган бир жумла сўзини қайта-қайта ўйлайди, тонг ёришар экан унинг фикри тиниқлашиб, чехраси очилиб ўрнидан туради. Бибиҳонимнинг ақл ва заковатига, зукколигига тасаннолар айтади. Бибиҳоним мактубни орқа томонига "Амирим ғазнангиз тугаган бўлса ростдир, аммо сиёсатингиз ҳам тугабдурми" деб битган, давлат раҳбари сифатида сиёсий чора кўришга ундаган экан. Суюкли момомизнинг нима демоқчи бўлганлигини англаб етган Соҳибқирон бобомиз барча сўйилган молларнинг суягини йиғиб уни тангалар шаклида қирқиш ва куйдириб ўзининг муҳрини босиш ҳақида фармон беради. Тайёр бўлган тангаларга яқин атрофдаги ўлкалардан бир ой ичида олтин танга билан алмаштириб бериш шарти билан озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда қуруллар сотиб олишга фармон беради. Ҳақиқатан ҳам орадан маълум муддат ўтгач, бобокалонимиз кутган

хазина етиб келади ва у улуг зот белгиланган қиймат бўйича суяк пулларни олтин тангалар билан алмаштиришни амалга оширади.

Амир Темури нафақат мол-мулкларнинг дахлсизлигини, балки аҳолининг катта қисми қўшинлар сафида урушда бўлиши туфайли уларнинг аёллари, фарзандларини ҳам давлат ҳимоясига олган эди. Бу тартибни бузган одамни ким бўлишидан қатъий назар асло кечирмаган. Бунга мамлакатни бошқариб турган набираси Халил Султон сафарда бўлган амирлардан бирининг канизаги Шодимулкни амирнинг рухсатсиз хизматига олиб, ўрнатилган тартибни бузганлиги сабабли Амир Темури томонидан ўлимга ҳукм қилиниши ёки келинининг йўллаган хати асосида Хуросон ҳукмдори бўлиб турган ўғли Мироншоҳ мирзони жазога тортиши мисол бўлади. Хуллас, темурий маликалар мамлакат сиёсий ҳаётида катта рол ўйнаганлар.

Буюк мунажжим ва давлат арбоби бўлган Мирзо Улуғбекнинг Бухоро шаҳрида барпо этган мадрасаси пештоқига «Билимга интилиш ҳар бир мўмин ва мусулмон аёли учун фарздир», деган ҳадисни ёздириб қўйгани бежиз эмас.

Юқорида баён этганларимиздан кўриниб турибдики, темурийлар сулоласидан етишиб чиққан аёллар санъат ва илм-фан билан шуғулланиб, давлатни бошқариш ишларида фаол иштирок этганлар, халқнинг фаровонлигини орзу қилганлар, халқнинг дарду аламини енгиллатиш йўлида хизмат қилганлар.

Бироқ, ўлканинг чор Россияси томонидан истило қилиниши туфайли янги тартибларнинг зўрлаб жорий этилиши ва маъмурий-буйруқбозлик тизимининг узоқ давр мобайнида ҳукмронлик қилиши оқибатида аёллар фаолиятида жиддий бузилишлар юз берди, уларнинг фаолияти чеклаб қўйилди.

Мустамлакачиларнинг аёлларни сиёсий фаоллигини чеклаш йўлларида бири - уларни мактаб ва маорифдан четлатиш эди. Туркистон генерал губернаторининг 1882 йил 30 августда ўлка ҳарбий маъмурияти вакиллари ва руҳонийлари иштирок этган йиғилишида А.К.Абрамов Гаспринскийнинг

маорифни ислоҳ қилиш тўғрисидаги лойиҳаси ҳақида фикр юритиб, "мудраб ётган мусулмон мутаассиблигини тирилтириш, бинобарин, кўксимизда илонни асраш бўлур эди, шу сабабли мусулмонларимиз маорифининг асосида уларни руслаштириш, исломни бузиш, умумий диний жиҳатларни бузиш ётмоғи лозим, деб ҳисоблаймиз»* дея таъкидлайди. Шу фикрга асосланиб маориф ва диний таълим бўлиб ташланди. Илм ва эътиқод ажратилди, халқимиз аста-секин ўзлигидан ажрала бошлади. Мустамлакачиларнинг аёлларимизнинг сиёсий фаоллигини чеклаш бўйича иккинчи йўли шарқона турмуш тарзини бузиш, урф-одатлар ва миллий қадриятларни топташ, уларнинг ўрнига янги урф-одатларни зўрлаб жорий этишдан иборат бўлди.

Чоризмнинг бошқа миллатларни маданий тараққиётдан четда тутиб туришга, ўзининг хом ашё етказиб берувчи мустамлакаси сифатида абадий сақлаб қолишга интилишини ифода этувчи миллий сиёсати халқимиз сиёсий онглилигининг, шу жумладан аёлларимиз фаоллигининг ўсиши йўлида жуда катта ғов бўлди. «Туркистон аёллари ҳаётига инқилоб олиб кирди» деб таърифланган чоризмнинг мустамлакачилик кишани ҳам, «Туркистон аёлларини ҳур ва озод қилди», деб куйланган большевикларнинг «октябр тўнтариши» ҳам асл моҳиятига кўра шарқона турмуш тарзини бузиш мақсадини кўзда тутган эди. Чоризм истилосидан сўнг мамлакатимизга оврў-поча ҳаёт тарзи, урф-одатлар зўрлаб жорий этила бошланди. Майхоналар, қиморхоналар ва бошқа турдаги кўнгил очар жойлар кўплаб қурилди. Шарқона турмуш тарзи, шарқона оила асосларига жиддий путур етказилди. Янги турдаги мактабларнинг қурилишига рухсат берилмагани ҳолда турли баҳоналар рўқач қилиниб, асоссиз равишда мадрасалар, жумладан қизларга савод ўргатадиган отин мактаблари ёпиб ташланди. Оқибатда халқнинг, жумладан аёлларнинг саводхонлик даражаси паст бўлишини таъминлашга йўналтирилган сиёсат юритилди.

* - *Сефтер Нўзгой ўғли*. "Дилда, фикрда, ишда бирлик". /Ж.Мулоқот. 11-12/94.- 56 б.

Отинчилик қизларга бошланғич билим бериш мақсадида ташкил этилган. У XIX асрга келиб кенг ёйилган бошланғич мактаб тизими бўлиб, совет тузуми ҳукмронлиги йилларида у ярим яширин ҳолда фаолият юритар эди. Унинг мазмун-моҳияти ўзгариб, бошланғич диний маълумот беришга ихтисослашди.

Чоризм Туркистон ўлкасини босиб олишига қадар Марказий Осиё мусулмон аёлларининг ижтимоий мақоми ва турмуш тарзи шариат тамойиллари асосида шаклланган эди. Аёлларнинг ёш авлодни оила ва отин мактаблари ёрдамида баркамол қилиб тарбиялаш, оилани мустаҳкамлаш орқали жамият ҳаётида фаол иштирок этаётганликларини тан олмаган, ушбу тартибларнинг моҳияти аёлларни жамият ҳаётидан четда тутиб туришдангина иборат, деб ҳисоблаган совет ҳокимияти уларни оиладан ажратиб олиб арзон ишчи кучи сифатида ишлаб чиқариш корхоналарига, пахтазорларга, умуман эркаклар бажарадиган оғир ишларга йўллади.

Совет тузуми ҳукмронлиги йилларида шарқона ҳаёт тарзини бузиш сиёсати давом эттирилиб, янги типдаги шахс - «коммунизм қурувчилари»ни тарбиялаб етиштириш, янгича ҳаёт тарзини қарор топтириш учун кураш олиб борилди. Минтақани мафкуравий ва маданий қайта қуриш - «янги жамият қуриш» зўравонлик методлари билан амалга оширилди. Жумладан, хотин-қизларни гўё озод қилишга йўналтирилган «Хужум» компанияси ўтказилди ва унинг «ютуқлари» илмий тадқиқотларда, илмий ва бадиий асарларда мақталиб келинди. Аммо унинг зўравонлик билан амалга оширилиши натижасида келиб чиққан зарарли оқибатлари, паранжи ташлаган юзлаб аёлларнинг ўлимига сабаб бўлгани, шарқона оила тизими асосларига жиддий путур етказгани тўғрисида эса лом-лим дейилмади.

Коммунистик мафкуранинг якка ҳукмронлиги даврида халқларнинг онгига маданиятчилик, сиёсий онглилик меҳнат қилишда ва меҳнат намунасини кўрсатишда, деб сингдириб келинди. Шу сабабли аёллар ўзларининг сиёсий онгли эканликларини намоён қилиш учун коржома, этик

кийиб тракторларга ўтирдилар, бетон қуйдилар,хуллас, улар энг оғир ишларга жалб қилиндилар. Натижада ўзбек аёллари ҳам турмуш ташвишлари, ҳам давлат иши билан банд бўлиб ўзларининг латофати, одоби, ибоси ва ҳаёсидан узоқлаша бошладилар. Навоийнинг гўзал байтларини айтадиган қўнғирок овозлар ўрнига, кашанда, майхўр ва бадмаст аёлларнинг кўча-куйларда, бозорларда беҳаёларча вайсаб юрганларини кўриб ажабланилмайдиган бўлиб қолинди. Ваҳоланки, *«Оламни гўзаллик қутқаради». «Оллоҳнинг ўзи гўзал бўлиб, у гўзалликни севади». «Инсон қалби билан гўзал»,* деб таъкидланади ҳадисда.

Ягона «совет халқи» яратмоқчи бўлган совет тузуми ўтмиш маданиятни инкор этгани ҳолда халқимизнинг қадимий, ўзбекона турмуш тарзини ҳам ўзгартириш йўлини тутди. Халқимиз ўзининг қадимий тарихи қолиб рус халқи тарихини ўрганиб келди, ўз маданияти, анъаналари ва урф-одатларидан бегона бўлиб тарбияланди. Бу бегоналик, беҳабарлик, жаҳолат эса нафақат бошқа миллат вакиллари, балки халқимиз фарзандлари томонидан ҳам миллий кадриятларнинг оёқ ости қилинишига, виждонсизликка, худбинликка йўл очди. Миллий байрамларимиз топталди, ваҳоланки уларнинг жамиятимизни барқарорлаштиришда катта аҳамияти бор. «Қурбон ҳайити бизнинг турмушимизда баъзида етишмаётган ўзаро ҳурмат, ғамхўрлик ва яқин алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади»*. «Олижаноблик, сахийлик, ҳар бир муҳтож кишига инсоний муносабат бу байрамнинг муҳим хусусиятидир» деб таъкидлайди Н.Зайнобиддинов.

Коммунистик мафкура эса инсоннинг сиёсий фаоллиги, гўзаллиги кийинишининг бежиримлигида, меҳнат мўъжизасини яратишида ,деб ҳисоблади. Яъни инсон ўзининг меҳнати, меҳнатдаги жасорати билан гўзал,

* - Ойдин Латипова. *«Праздник милосердия» (Саховат байрами).* «Народное слово» 1992.

деб таъкидлайди. Шу сабабли коржома кийиб пахта териш машинасида 10-15 тонна пахта терган механизатор қиз, шахтага тушиб белгиланган нормадан 5-10 баробар кўп кўмир қазиган шахтер аёл, 10-15 дастгоҳда ишлаган тўқувчи аёл сиёсий фаол, маданиятли, қолаверса энг гўзал инсон, деб ҳисобланган. Донишмандларимиз инсоннинг *гўзаллиги уни қўли гул, илми, яъни ҳунар ёки илм соҳиби эканлигида* деб ҳисоблайдилар. Алишер Навоий сиёсий фаол, комил инсонни «*Кўзи поку, тили поку - дили пок*» деб, пайғамбаримиз Муҳаммад салаллоҳу алайҳи васаллам «*Инсоннинг гўзаллиги тилидадир*», деб сўзнинг қийматига алоҳида аҳамият беради. Биз ижтимоий-сиёсий фаоллик, гўзаллик аёлларимиз тимсолида, уларнинг жамият фаолиятидаги иштирокида, қалб гўзалликларида, меҳрли-маъноли сўзларида намоён бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин хотин-қизларнинг ҳар томонлама фаоллигини таъминлашдаги бузилишларнинг салбий оқибатларини бартараф қилишга киришилди. Шу жумладан отинчилик яширин фаолият юритишдан чиқиб, ошкора тарзда иш юрита бошлади. Мусулмонлар диний бошқармаси томонидан қизларга диний маълумот бериш, кейин уларга бошланғич диний маълумот бериш учун лицензия бериш йўлга қўйилди, отинларнинг сони ошиб бормоқда. Миллий уйғониш жараёнида миллий ва диний қадриятларни ўрганишга эътибор кучайди, ислом дини ва шариат талаблари қайта жонлана бошлади. Эрига вафодор, оилага ўзини бахшида этадиган, миллий-диний қадриятларни сақловчи аёл образини тарғиб этган мақолалар нашр этилди*.

Аёлларни кечаю-кундуз меҳнатга банд этиб уларнинг жамият фаолиятида фаол иштирокини қўллаб-қувватлаган ва болалар тарбияси билан шуғулланишни боғча, мактаб каби муассасалар тизими зиммасига юклаган

* - Акбаров Х. Кўп хотинлилик гуноҳми. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1997 й. 18 ноябр. Х.Насруллаева. Многоженство - не порок. «Хуррият», 1997 й. 17 декабр.

давлат оналарни ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашдек юксак масъулиятдан маҳрум қилган эди. Ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашда оиланинг, қолаверса, онанинг роли ниҳоятда катта эканини мустақилликка эришгач чуқурроқ англадик. Давлат ишида юрибман деб, уйига тун ярмида ётгани келиб, эрталаб тонг отмасданоқ жўнаб кетган, ўзларини «коммунизм» куришга бағишлаган айрим оналарнинг фожиали қисмати шарқона тарбиянинг тўғрилигига далилдир.

Бизнинг фикримизча, оилани мустаҳкамлаш соҳасида қилинаётган ишларга ва жамоатчилик томонидан миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизнинг тикланиб боришига қараб шарқона тарбия, шарқона оила асослари жамият ҳаётида қарор топа боради, чунки бу жамиятнинг ривожланиб бориши, тараққиётига хос бўлган узлуксиз таджирий жараёндир.

Собиқ совет тузумидан қолган иллатлардан яна бири аёллар ўртасида ажралишлар ва болаларнинг қаровсиз қолиш даражасининг юқорилигидир. Ажралиш, қўйди-чикди, болаларни қаровсиз қолишининг асл сабаби ичкилик ва гиёҳвандликдир. Афсуски, ҳозирги пайтда аёлларнинг орасида ичкиликка ва гиёҳвандликка берилганлар учраб турибди. Ваҳоланки, умуман ҳар бир инсонга, хусусан, аёлларга спиртли ичкилик ичиш ва гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш мумкин эмас. Чунки ичкилик ва гиёҳванд модда таъсирида кўп ҳолларда мажруҳ фарзандлар дунёга келади. Шу билан бирга тиббиёт тизими равожланганлигига қарамай ёш болаларнинг ўлими даражаси жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан юқорилигича қолиб келган. Бизнинг фикримизча, бунинг асл сабаби аҳолининг катта қисми қишлоқларда истиқомат қилиши, қишлоқларда эса тиббий хизмат кўрсатиш тизимининг етарли даражада ривожланмаганлиги, бундан ташқари далада пахта якка ҳукмронлиги мавжудлиги шароитида бутефос каби инсон соғлиғи учун бутунлай зарарли бўлган моддаларнинг кўплаб сепилиши натижасида қизлар, аёлларнинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатилган. Оқибатда 80-йилларнинг охири ва 90-

йилларнинг бошларида ёш болаларнинг ўлими даражаси юқори бўлган. Мустақилликка эришилгач, совет тузумининг деҳқончиликка ва қишлоқдаги турмуш тарзига муносабатидаги машъум мероси оқибатларини тугатиш бўйича туб ислохотлар ўтказилди ва давлат миқёсида қатор ишлар амалга оширилди. «Агар 1991 йилда оналар ўлими билан боғлиқ кўрсаткич ҳар 100 минг нафар аёлга нисбатан 65 тани ташкил этган бўлса, бугунги кунда 24 тага тушди. Гўдаклар ўлими эса илгари 1000 нафар чақалоққа 35 тадан тўғри келган бўлса, ҳозирги кунда 14 тага тушди».* Лекин шунга қарамай бу йўналишда ижобий ўзгаришларга қийинчилик билан эришилмоқда. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)га 1995-1998 йилларда келиб тушган 6211 та мурожаатдан 3748 таси, 1998 йилда келиб тушганларидан 63,4 фоизи аёллар томонидан йўлланганлиги»** ҳам бу йўналишда талай қонунбузарликларга йўл қўйилганлигини кўрсатади.

Шу билан бирга совет даврида оилани режалаштириш, тиббий ходимлар томонидан аҳоли ўртасида олиб борилган тушунтиришлар натижасида туғилиш даражаси ҳам камайган. Бизнинг фикримизча, давлат ва жамиятнинг асосий диққат-эътибори оилани режалаштиришга эмас, носоғлом бола туғилишининг олдини олиш ва уларни комил инсон қилиб етиштиришни таъминлашга, соғлом турмуш тарзини аҳоли ўртасида тарғиб этишга қаратилиши керак эди. Ҳозирги пайтда ёш болаларнинг ўлими даражасини сезиларли даражада қисқаришига эришилган.

Собиқ совет тузумидан қолган иллатлардан яна бири аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлиги баҳонасида уларнинг турли тантанавор

* *Ислом Каримов. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Т.: Ўзбекистон, 2007.-44 б.*

* - *Якубова Д. Юксак эҳтиром. «Инсон ва қонун», 1999 йил 8 июн.*

тадбирларда иштирок этиб спиртли ичимликлар истеъмол қилиш, кашандаликка рўжу қўйиши маъқулланиб келинганлиги ва бу иллатларнинг улар орасида кенг ёйилишига қарши кураш олиб борилмаганлигидир. Яъни, бўлажак она сифатида аёлнинг жамият томонидан бу иллатлардан муҳофазаланмаганлигидир. Зеро ичкилик ва гиёҳвандлик соғлом турмуш тарзининг душманидир.

Энг кўп жиноят одатда ичкиликка берилганлар ва гиёҳвандлар томонидан содир этилади. Афсуски, давлатимиз ва жамоат ташкилотлари томонидан кўрилаётган чораларга қарамай ёшлар, шу жумладан аёллар томонидан содир этилаётган жиноятлар сони ошиб бормокда.

Аёлларнинг соғлигини таъминлаш давлат ижтимоий сиёсатининг асосий бўғини бўлиши лозимлигига қарамай, 80-йилларнинг охирларида Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизими, унинг техник жиҳозланганлиги, даволаш-диагностика ускуналари жамиятнинг замонавий талабларидан орқада қолганлиги аниқ бўлиб қолди. Хусусан, бу салбий ҳолат қишлоқларда яққол кўзга ташланиб турибди.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ жойларда тиббий муассасаларнинг жиҳозланиши шаҳарларга қараганда 2 баробарга яқин паст даражада эди. 1990 йилда қишлоқ жойларда вирусли гепатит билан касалланиш даражаси шаҳардагига қараганда 1,6 баробар, сил касаллиги билан касалланиш даражаси эса 1,4 баробар юқори бўлган*. Айни пайтда оддий дори-дармонларнинг ҳам етишмаслик ҳоллари кузатилган.

Шу билан бирга 90 йилларнинг бошида аҳолининг турмуш даражаси ҳам оғирлашиб кетган эди. Хусусан, 1985-1990 йилларда қишлоқ меҳнатчиси бўлган битта аёлнинг жами даромади миқдори тахминан 13 фоизга камайган**.

* - *Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги. Статистический сборник. «Семья в Узбекистане», 2002*

** - *Социальное развитие и уровень жизни населения Узбекистана. Т.: Госстатиздат, 1991.-С.5-12.*

Қишлоқ аҳолисининг серфарзандлигини ҳисобга оладиган бўлсак, жон бошига ҳисоблаганда ушбу даромад миқдори уларнинг оддий кундалик эҳтиёжларига ҳам етмаслиги аён бўлади.

Мустақилликка эришилгач мавжуд ҳолатни яхшилашга фақат бозор иқтисодиётига ўтиш орқалигина эришиш мумкин эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ушбу ҳолатни ўзгартириш зарурлигини таъкидлаб, шундай деган эди: «Агар биз фаровонликка эришишни истасак, ўз олдимизга ҳаётимизни яхшилаш мақсадини қўйишимиз, иқтисодий ислохотларни қишлоқ хўжалигидан бошлашимиз керак, қишлоқ жойларда истиқомат қилувчиларнинг турмуш даражасини кўтаришимиз, улар учун муносиб ҳаёт шароитини яратишимиз керак»*.

80 йилларнинг иккинчи ярмида Ўзбекистоннинг машҳур адабиёт намоёндалари биринчилардан бўлиб оиланинг совет моделига қарши чиқдилар. Уларнинг мақолалари оилани режалаштириш, аёлларни юқори мансабларга сунъий тақсимот асосида кўтариш ғояларига қарши қаратилди.

Совет тузуми даврида аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини таъминлаш сиёсатидаги бузилишлардан бири фарзандларини тарбиялаш билан машғул бўлган аёлларни иш билан таъминлаш масаласининг ҳал этилмаганлигидир. Бу айниқса аҳолисининг катта қисми қишлоқларда яшайдиган ва қарамоғида 3-5 ва ундан ортиқ фарзанди бўлган қишлоқ аёлларининг меҳнат қилиши учун шарт-шароит яратилмаганлигида, уларни мамлакат сиёсий ҳаётида, ҳатто ўзлари меҳнат қиладиган хўжаликни бошқариш ишларида катнашишидан четлаштириб қўйилганлигида яққол намоён бўлди. Шу тарзда қисқа иш куни сифатида ишлаш имкониятига эга бўлмаслик, жамият фаолияти у ёқда турсин, ҳатто ўзлари яшайдиган хўжаликни бошқариш ишларидан

* - Каримов И.А. «Прогресс дехканского хозяйства - путь к изобилию» // Народное слово. 1994. 17 феврал.

бохабар бўлмаслик, қарорлар қабул қилинаётганида ёки чоралар кўриляётганда уларнинг фикри билан ҳисоблашилмаслиги, маъмурий-буйруқбозлик усули билан бошқарилиши ва уларнинг барча муаммолари, ташвишлари ҳақида партия, давлатнинг «қайғуриши» охир-оқибатда мамлакатимизнинг кўп сонли аёллар жамоасини ижтимоий-сиёсий ҳамда маданий ҳаётдан четда тутиб турди, ижтимоий-сиёсий фаолликларини сезиларли даражада пасайтириб юборди. Бундан ташқари боқимандаликни, меҳнат қилиш ўрнига имтиёزلардан фойдаланиш хислатларини уларга сингдириб борди.

Собиқ Иттифок тузуми даврида аёллар учун пенсия ёшининг кичиклиги, болаларга нафақалар ва болага қараш учун узок муддатли қисман ҳақ тўланадиган таътилнинг берилиши, болали аёлларнинг ишдан ҳайдалишдан кафолатланганлиги, узок муддатли таътил пайтида пенсияга чиқиши учун зарур бўлган меҳнат стажининг сақлаб қолиниши ва ҳоказолар мавжуд эди. Ўзбекистонда туғилишнинг юқорилиги, янги турмушга чиққан аёл кетма-кет фарзанд кўриши туфайли 10-15 йил давомида иш жойи сақланган ва пенсияга чиқишда ҳисобга олинадиган меҳнат стажига эга бўлиб, давлат нафақаси ҳисобига кун кечириши мумкин эди. Оқибатда аёллар меҳнат фаолияти билан шуғулланишдан кўра давлат томонидан берилган имтиёزلардан фойдаланишни афзал кўришарди, оқибатда катта миқдорда яширин ишсизлик мавжуд эди. Маълумки, собиқ социалистик мамлакатларда ишсизлик расман йўқ, деб ҳисобланарди. Ваҳоланки, эксперт баҳолашларга қараганда 80 йилларнинг охири ва 90 йилларнинг бошларида Ўзбекистонда иш билан банд бўлмаган аҳолининг сони меҳнатга яроқли аҳолининг 13,85 фоизини ташкил қилган*. Шу билан бирга уларнинг 90 фоизини аёллар ташкил қилган. Давлат статистика департаменти томонидан ўтказилган сўров шундан гувоҳлик берадики, сўралган аёлларнинг 55 фоизи оиласига маблағ ишлаб топиш учун

* - Марни Ш. Советская биржа труда в переходный период. Флоренция, 1992, с.138.

ишлаётганлигини, 14 фоизи эса моддий жиҳатдан мустақил бўлиш учун ишлаётганини таъкидлаган.

Совет тузуми аёлларнинг давлат ишларида ишлашини ҳар хил йўллар билан рағбатлантирди, натижада давлат идораларида уларнинг сони ошди. Сунъий равишда вакиллик идораларида аёллар номенклатураси ташкил этилиб, бунга амал қилиниб келинди. Аммо совет тузумининг мафкураси ҳам, тазйиқи, тарғибот-ташвиқоти ҳам, ҳаттоки маъмурий-буйруқбозлик тузуми ҳам шарқона оила асосларини бутунлай йўқ қила олмади. Оилада миллий анъаналаримиз, урф-одатларимиз, оилавий муносабатлар, турмуш тарзимиз ўзгаришларга учраган бўлсада, аёлларимиз барибир уларни сақлаб қолишга эришдилар. Айниқса, ота-онанинг, маҳалланинг таъсири кучли бўлган қишлоқ жойларда миллий оила асослари кўпроқ сақланиб қолди. Шу туфайли қишлоқда ажралишларнинг, никоҳсиз туғилган, болалар уйларига топширилган қаровсиз етим болалар сонининг шаҳарлардагига нисбатан кескин камлиги кўзга яққол ташланиб туради. Яқин ўтмишда коммунистлар томонидан қишлоқ аёлларини «фаоллаштириш» бўйича катта мафкуравий иш олиб борилган эди. Ҳозирги вақтда кўпчилик оммавий нашрларда баъзи аёлларда қадимий маънавиятимиз дурдоналарида тасвирланган бувижонларимизда бўлганидек қаноатлиликнинг йўқлиги, тўй-ҳашамларга, бойликка ўчлик, дабдабабозликка берилганлик, эркаклар каби ичиб-чекиб юриш каби иллатлар мавжудлиги ҳақида ҳар куни ёзилади, аммо бу иллатларнинг қаердан пайдо бўлганлиги, қандай мафкура асосида шаклланганлиги хусусида ўйлаб ҳам кўрилмайди. Бизнинг фикримизча, совет тузумини ўлкамизнинг мусулмон аёллари устида ўтказган бу тажрибалари асоратидан, салбий оқибатларидан бирданига қутилиб бўлмайди, ўзликни англаши учун кўп йил керак бўлади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан болалар боғчаларини қўллаб-қувватлаш бўйича давлат харажатлари кескин камайди ва уларнинг сони қисқарди, қишлоқ жойларда хўжаликлар ёрдамида фаолият юритувчи

боғчалар эса ёпилди. Шу сабабли мустақилликнинг дастлабки йилларида аёллар ёш болаларига қараш учун ҳам уйда қолишга мажбур бўлдилар.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиши ва бозор иқтисодиётига ўтилиши натижасида ижтимоий соҳага ҳам катта эътибор берила бошланди, аввало, етарли миқдорда маблағ ажратила бошланди, давлат боғчалари билан бир қаторда хусусий боғчалар ишга тушди. Натижада аёлларни яна ишлаб чиқаришда иштирок этишига, мамлакатимизнинг халқ хўжалиги тараққиётига ўз ҳиссасини қўшишига имконият яратилди. Шунга қараб миллий иқтисодиётда иш билан банд бўлган аёлларнинг сони ҳам ўсиб борди. Масалан, бу кўрсаткич, 1995 йилда 42,7 фоизни ташкил қилган бўлса, 1998 йилда 44 фоизни, 2000 йилда 45,9 фоизни ташкил қилди. Агар бундан болага қараш таътилида бўлган аёллар сонини чиқариб ташласак, уларнинг жамоат ишлаб чиқаришидаги иштироки кўрсаткичи сезиларли даражада камаяди. Болага қараш таътилида узоқ муддат бўлган аёлларнинг малакаси, илм даражаси анча пасаяди, чунки эркакларга қараганда уларнинг ўз касбий малакасини узлуксиз ошириб бориш имконияти жуда паст. Бу эса меҳнат бозорида аёлларнинг меҳнатига бўлган талабнинг пасайишига сабаб бўлади ва меҳнат бозорида аёлнинг аҳволини оғирлаштиради. Масалан, 1997 йилда Ўзбекистонда аёлларнинг иш ҳақи эркаклар иш ҳақининг ўртача 81 фоизини ташкил этгани ҳолда, уларнинг ўртасидаги ишсизлик даражаси эркакларга қараганда 1,5 марта кўп бўлган*.

Агар биргина Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳри аёллари тўғрисидаги статистик маълумотга назар ташласак, аёллар ўртасида ишсизлик даражасининг юқори эканига гувоҳ бўламиз. Олмалиқ шаҳри аҳолисининг умумий сони - 115010 киши, шундан 58195 таси аёллардан иборат. Иш билан

* - Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва ижтимоий таъминот вазирлиги маълумотига асосан келтирилмоқда.

банд аёллар 26827 нафарни ташкил қилса, ишламаётган аёллар сони 31368 нафарни ташкил этади. Яъни аёлларнинг ишсизлик даражаси барча аёллар сонининг 60 фоизидан ошади, эркакларда эса бу кўрсаткич, 10 фоиздан ошмайди. Қолаверса, бу иш билан банд аёллар таркибига тўлиқ иш билан таъминланмаган ёки мавсумий иш билан банд бўлганлар ҳам киритилган, улар ҳам ярим ишсизлар сифатида ҳисобга олинса, аёлларнинг каттагина қисми ишсиз экани маълум бўлади.

Ҳозирги пайтда ишсизлар сифатида рўйхатга олинганларнинг 60 фоизга яқинини аёллар ташкил этади. Уларнинг орасида балоғат ёшига етган қишлоқ ва шаҳар ёшлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртларини тамомлаганлар катта миқдорни ташкил этади. Ишсиз сифатида рўйхатга олинган аёлларнинг 80 фоиздан ортиғи бирон-бир касбга эга эмас. Аммо, бу кўрсаткич кейинги йилларда ўзгаришга учрапти. Масалан, умумий ўрта маълумотга эга бўлган ишсиз аёллар 1994 йилда 65,8 фоизни ташкил этган бўлса, 1997 йилда 62,1 фоиз бўлган. Олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган ишсиз аёллар эса 1994 йилда 22 фоизни, 1997 йилда 25 фоизни ташкил қилган. Айниқса қишлоқ хўжалигида меҳнатнинг оғирлиги, иш кучининг мўл-кўллиги ва иш ҳақининг пастлиги аёллар меҳнатининг қадрсизланишига олиб келди. Ширкат хўжаликларининг аксариятида натура ҳисобида аёлларга иш ҳақи тўланиши (яъни бир иш кунига 1-3 кг буғдой ва ҳоказо ҳисобида), ғўзага ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларига ишлов бериш, молларга қараш, пилла етиштириш каби кам ҳақ тўланадиган ва оғир меҳнат талаб қиладиган ишларни бажариш уларнинг зиммасига юкланганлиги аёллар меҳнатининг ҳақ тўланмайдиган қисмининг кўпайишига, аёллар ижтимоий мақомининг пасайишига олиб келмоқда. Бу ҳолат, айниқса, саноат корхоналари кам ташкил этилган ва деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш асосий даромад манбаи бўлиб қолаётган Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида яққол кўзга ташланади. Лекин шунга қарамай,

меҳнатга яроқли аёлларнинг аксарияти халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаол меҳнат қияптилар ва бу билан мамлакатимиз тараққиётига ўзларининг катта ҳиссаларини қўшмоқдалар. Масалан, соғлиқни сақлаш соҳасида ишлаётган ходимларнинг - 74 фоизини аёллар, ахборот, почта ва компьютер хизмати кўрсатиш ходимларининг - 70,2 фоизини, таълимда - 62 фоизини, суғурта хизмати кўрсатишда - 45 фоизини, тўқимачилик ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатида, қишлоқ хўжалигида, савдо соҳасида ишлаётган ходимларнинг ўртача - 40-52 фоизини аёллар ташкил этади.

Аёлларнинг иш ҳақи пастлигича қолмоқда. Масалан, аёллар кўпчилиқни ташкил этган ижтимоий соҳада 1998 йилда аёлларнинг иш ҳақи республика бўйича ўртача иш ҳақининг 60-75 фоизи даражасида бўлган. Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан ўтказилган сўров натижасида аниқланишича, сўралган аёлларнинг 85 фоизидан ортиғи республика бўйича ўртача иш ҳақидан кам ойлик даромадга эга бўлган. Бундай аёллар эса қишлоқ жойларда сўралганларнинг 94 фоизини ташкил қилган. Сўралганларнинг 67 фоизи ўз иш ҳақидан қониқмаслигини билдирган, 52 фоизи эса олаётган иш ҳақи уларнинг моддий мустақиллигини таъминламаётганини таъкидлаган.

Ҳозирги пайтда аёлларни бозор малакаларига ўргатиш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича бир нечта дастур амалга оширилмоқда. Республика тадбиркорлар палатаси, кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи «Бизнес-фонд», Бандликка кўмаклашиш фонди, Европа иттифоқининг ТАСИС дастури, Тадбиркор аёллар уюшмаси ва бошқа нодавлат ташкилотларнинг фаолияти шунга йўналтирилган.

Аёлларнинг ҳар томонлама комилликка эришуви учун мустақил Республикамизда кўп ишлар қилинмоқда. Президентимиз ва ҳукуватимиз томонидан уларга ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Аёлларимиз онгли, интизомли, ишбилармон, бозор иқтисодиётини тушунадиган шахслар бўлиб етишмоқдалар. Зеро, инсон меҳнати билан жамиятда ўз ўрнини топади, обрў-эътибор қозонади. Меҳнатда аёлларнинг қобилияти ва таланти, инсоннинг абадий барҳаётлиги тўла намоён бўлади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач хотин-қизлар фаоллигини ошириш имкониятларининг кенгайиши

Ўзбекистон Республикасида аёллар сиёсий-иқтисодий фаоллигини ошириш жамият иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий тараққиётининг устувор йўналишига айланмоқда. «Ҳамма нарса инсон учун, унинг келажаги учун» деган эзгу тамойилни амалга ошириш биз учун доим энг муҳим устувор вазифа бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади».*

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгач, миллий ўзига хосликларини, маънавий қадриятларини тиклаш имкониятига эга бўлди, демократик ҳуқуқий давлат ва мустақил иқтисодиёт асосларини яратиш, бозор муносабатларига ўтиш йўлини танлади. Аёлларнинг жамият ҳаётидаги сиёсий-ижтимоий фаоллигини ошириш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Шунинг билан бирга бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг табиий қийинчиликлари туфайли бу борада вазият бирмунча чуқурлашди, собиқ совет тузуми даврида ҳал этилмай келинган муаммолар қаторига янги муаммолар қўшилди. Буларнинг барчаси оилага, аёлларнинг жамиятдаги роли ва ҳуқуқи масаласига таъсир кўрсатмай қолмади. Ўзбекистон аёлларининг ҳозирги пайтдаги аҳволи олдинги тарихий тараққиёт давридан қолган меросга, ютуқлар ва камчиликларга боғлиқдир. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг қийинчиликлари ҳам аёлларнинг иқтисодий фаоллигига, уларнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётдаги иштирокига таъсир кўрсатди, миллий ўзлигини англаш тўлқини остида совет тузуми даврида таъқиқлаб келинган аёлларнинг ролига ва жинсларнинг ўзаро муносабатларига бўлган анъанавий ва диний қарашлар юзага қалқиб чиқди.

* *Ислом Каримов. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли.Т.: Ўзбекистон, 2007.-46 б.*

Давлатимиз хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш бўйича қатор чора-тадбирларни амалга ошираётганлиги бежиз эмас. Давлат мукофотлари - орденлар ва медалларнинг, шарафли унвонларнинг таъсис этилиши ва улар билан Ватанимиз тараққиёти йўлида фидойилик намунасини кўрсатаётган оналаримиз, опа-сингилларимизнинг мукофотланиши катта ахлоқий ва тарбиявий мазмунга эга. Аёлларнинг сиёсий фаоллигида фуқароларимизнинг жипслиги, ишончи, тинчлик, барқарорлик ва Ўзбекистондаги миллатлараро ҳамжиҳатликнинг асосий «сири» яширингандир.

Бизнинг фикримизча, аёлларимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий фаолликларини ошириш учун аجدодларимиздан қолган буюк маънавий меросни ўрганиши-миз ва улардаги юксак ғояларни ҳаётга татбиқ этишимиз керак. Бу мерос, энг аввало, аёлларимизни улуғлаш, эъзозлаш, фаоллигини таъминлашдан иборат бўлган миллий-маданий меросдир. Туркистон заминидек қадимий, илм-фан гуркираб ўсган ўлкада барча соҳаларда бўлганидек, ижтимоий-сиёсий соҳада ҳам улкан мерос мавжуд. Чунки биз юксак маънавият соҳиби бўлган халқмиз. Бу қуруқ сўз эмас. Сўзимизга донишманд боболаримиз яратган тенгсиз мўъжизалар, яъни бебаҳо ёдгорликлар далилдир.

Бизнингча, маънавиятимизнинг буюклиги қуйидагиларда ўз аксини топади:

- бу ўлка аёлларни улуғлаган, «жаннат оналарнинг оёғи остидадир» каломини дилида байроқ янглиғ кўтариб юрган комил инсонлар Ватанидир;
- бу диёр, Туркистон заминида дунёдаги энг қадимий цивилизациялар пайдо бўлган;
- бу ҳудудда илк давлатчилик ва ҳуқуқ асослари яратилган. Хусусан, қадимий Турон, Мовароуннаҳр, Туркистон ҳудудида раванқ топган давлатлар жаҳон давлатчилиги мактаби, мусулмон ҳуқуқшунослиги тизимида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаган;

- бу ўлка Тўмарис, Нодирабегим, малика Сайида, Хотуншоҳ каби мамлакатларни бошқарган, Бибихоним, Мумтоз маҳал, Қурбонжон додҳоҳ, Тилла кампир каби мардлигига босқинчи душманлар ҳам тан берган юзлаб буюк донишманд аёллар етишиб чиққан юрт;

- Шарқни Ғарб билан боғловчи Буюк ипак йўлининг марказида жойлашган бу замин - савдо-сотиқ ва тижорат, илм-маърифат ва маданият тараққий этган ҳамда турли миллатларнинг вакиллари ўзаро тинч-тотув яшаган, тиллар ва динлар ўзаро ҳамжиҳатликда фаолият юритган мўътабар макон бўлган;

- бу ҳудудда диний салоҳият билан биргаликда илмий салоҳият ҳам юқори бўлиб, буюк қомусий илм соҳиблари - Шарқ мутафаккирлари ўзларининг ақлий салоҳияти билан жаҳон цивилизациясининг ривожланишига катта ҳисса қўшганлар. Шу сабабли бу замин - қутлуғ, табарруқ Ватан ҳисобланган, жаҳоннинг етук зиёлилари ва ижодкорлари унда таълим олганлар, унга интилиб яшаганлар;

- халқимизнинг турмуш тарзида, тафаккурида азалдан маънавий, илмий, ҳуқуқий ва ахлоқий қадриятлар, шарқона урф-одатлар мажмуи шаклланган бўлиб, улар юртимизда доимо қадрланиб келинган.

Хуллас, бу маънавий буюклик бизнинг жаҳон халқлари орасида ўз ўрнимизни топишимизнинг пойдеворидир. Шу сабабли мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аجدодларимиз ақл-заковати билан асрлар давомида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросимизни тиклаш ва уни янада ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарил-ганлиги бежиз эмас. "Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз", дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Амалиётдан маълумки, бозор иқтисодиётига ўтиш аҳолининг, шу жумладан аёлларнинг ҳаёт кечириш даражасига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Ўзбекистон аёллари иқтисодий аҳолининг ёмонлашуви нафақат умумий иқтисодий ҳолат билан, балки уларни иқтисодий фаоллигининг пасайиши, имтиёз ва ёрдамларнинг қисқариши, аёлларнинг ижтимоий мақоми, оила ва жамиятда аёлларнинг ролига диний ва анъанавий қарашларнинг таъсири туфайли вужудга келган маънавий ҳолат билан ҳам асосланади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликнинг дастлабки йиллариданок аёлларнинг аҳолини яхшилашга қаратилган сиёсат юрита бошлади. Жумладан, аҳолининг турмуш кечириш шароитини яхшилашга йўналтирилган чоралар кўрилмоқда, шаҳарларда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш яхшиланмоқда, хизмат турлари кўпайтирилмоқда, қишлоқ жойларда эса аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш ва газлаштириш тадбирлари ишлаб чиқилиб амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси аёлларнинг уйдаги юмушларини сезиларли даражада енгиллаштиришни ва жамият ҳаётидаги иштирокини фаоллаштиришни кўзда тутган.

Собиқ совет тузуми даврида шаҳарларни кенг ривожлантириш сиёсати юритилиши оқибатида қишлоқ жойларда турмуш кечириш оғирлигича қолганлигига қарамай, мустақиллигимизнинг ўн беш йили мобайнида бу йўналишда катта ўзгаришларга эришилди. Республика аҳолисининг аксарияти ичимлик суви билан таъминланди, узок чекка ҳудудларда ҳам газлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Аёлларнинг тиббий хизматлардан фойдаланиш имконияти ҳам катта аҳамиятга эгадир. Бозор иқтисодиётига ўтиш йилларидаги қийинчиликлар соғлиқни сақлаш соҳасининг аҳолига ҳам таъсир кўрсатди. Ялпи ички маҳсулотнинг қисқариши билан соғлиқни сақлаш соҳаси харажатларига ажратилаётган маблағлар ҳам сезиларли даражада қисқарди. Бозор иқтисодиёти талаблари қарор топиши билан бу соҳага эътибор кучайиб, «Экосан», «Соғлом авлод учун» каби фондлар ташкил этилди. Турар жойларда «Она ва

бола», «Оила» марказларининг бўлимлари, оила поликлиникалари фаолият юрита бошлади. Улар болалар ва оналарни даволаш, уларга ташхис қўйиш, оилани режалаштириш ишлари билан шуғулланадилар. 1991 йилда ҳукуматнинг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Аёллар қўмитаси тузилган бўлиб, у вилоятлар, туманлар ва хўжалик субъектларида ўзининг бўлимларига эга. Ҳозирги вақтда турли даражадаги аёллар қўмиталарининг сони 3 мингтадан ошади. Ушбу қўмиталарнинг асосий вазифалари аёлларга нисбатан давлат сиёсатини юритишга бевосита ҳисса қўшишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Аёллар қўмитаси аёллар масалалари бўйича агентлик сифатида фаолият юритади ва давлат томонидан маблағ билан таъминланади, ўзининг доимий штатига, давлат томонидан берилган маъмурий биносига, ўз-ўзини бошқаришда хўжалик ҳисобига эга бўлиб, солиқ имтиёзларидан фойдаланади. Ўзбекистон Республикаси Аёллар қўмитасининг Раисаси Бош вазир ўринбосари ҳисобланади. Аёллар масалалари бўйича БМТ анжуманларида, халқаро аёллар ҳаракатида у иштирок этади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда аёлларнинг ташаббуслари билан тузилган нодавлат аёллар ташкилотлари ҳам мавжуд. Булар эса янги ижтимоий муносабатларнинг шаклланганлигига ва аёллар ҳаракатининг вужудга келганлигига далолатдир. Улар аёлларнинг аниқ муаммоларини ўрганишга асосланган бўлиб, ижтимоий хизматларнинг янги турини ишлаб чиқади ва амалиётга татбиқ этади, ўзининг фаолиятида иш юритишнинг янги шакл ва методларидан фойдаланади. Ўз фаолиятларини юритишда мустақил бўлиб, турли манбалардан, шу жумладан, хорижий ривожлантириш фондларидан молиявий ёрдамларни жалб этиш имкониятига эга. Ўзбекистондаги нодавлат аёллар ташкилотлари давлатнинг аёллар тенг ҳуқуқлигини таъминлашга йўналтирилган сиёсат юритишида ҳамда ижтимоий муаммоларни ҳал этишида ўзларининг давлатнинг ҳамкорлари ва ёрдамчилари, деб ҳисоблайдилар. Ҳозирги вақтда республикада 419 та илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари

(ИИЧБ) рўйхатга олинган бўлиб, улардан 40 таси аёллар масалалари бўйича иш олиб бормоқда. Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми, Республика аёллар Кенгаши хотин-қизларнинг саломатликларини таъминлаш, уларнинг ўз билим ва салоҳиятларини намоён этишлари учун катта имкониятлар яратмоқдалар.

Аёлларнинг барча ИИЧБлари ўзларининг амалга оширадиган дастурларига кўра бир-биридан фарқ қилишига қарамай, фаолиятини аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилишга, аёллар ва эркеклар учун тенг имкониятлар яратишга, аёлларнинг оиладаги ва жамиятдаги мақомини оширишга, демократик қайта қуришларга аёлларни жалб этишга, янги иқтисодий шароитларга уларни кўниктиришга йўналтирган. Бу йўналишда фаол иш олиб бораётган ташкилотлар қаторида Республика «Тадбиркор аёллар» уюшмаси ва унинг вилоятлардаги бўлимлари, Қорақалпоғистон Республикасининг «Перзент», Тошкент шаҳридаги аёллар ресурс маркази, «Меҳри», «Аёл ва жамият» ташкилотларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Аёлларнинг ИИЧБ лари республика ижтимоий ҳаётининг бир қисмига айланди, аммо ҳали муҳим воқеаларнинг боришига таъсир кўрсата оладиган ижтимоий ҳаракатга айланган эмас.

Нодавлат аёллар ташкилотлари сонининг ўсиши аёллар уларда ўз салоҳиятларидан фойдаланиш имкониятини кўраётганлигидан, шунингдек, ўз муаммолари тўғрисида билдиришнинг аниқ воситаси деб ҳисоблаётганликларидан гувоҳлик беради.

Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркор аёллар» уюшмаси 1991 йил июн ойида тузилган бўлиб, Ўзбекистондаги нодавлат ташкилотларидан биридир. Уюшманинг асосий мақсади бозор муносабатларини ривожлантиришда аёлларнинг фаол иштирок этишлари учун қулай шарт-шароитларни яратиш, уларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашдан иборат. Унинг асосий вазифалари қаторига юқоридаги мақсадларидан ташқари Ўзбекистондаги демократик қайта қуришларни қўллаб-қувватлаш, барқарор иқтисодий-ижтимоий тизимни яратиш, аёлларнинг ҳуқуқлари бўйича кўтарилган

масалалардан жамиятни хабардор қилиш, уларга ҳаёт кечириш даражасини ошириш ва иқтисодий аҳволини яхшилашда ёрдам кўрсатиш киради. Уюшма 4000 дан ортиқ аёлларни, жумладан тадбиркорлар, давлат хизматчилари, зиёлилар ва бошқаларни бирлаштиради. Уюшма ўзининг вилоят, туман бўлимларига эга. Уюшманинг ҳамкорлари орасида БМТ нинг Ўзбекистондаги тараққиёт дастури, «Меҳр-мурувват» корпуси, ТАСИС, Америка юридик консорциуми, Каунтерпарт интернейшнл, Каунтерпарт консорциуми, Евроосиё фонди, Глобал проект, Халқаро аёллар фонди SIGI, Конрад Аденауэр фонди каби ташкилотлар бор.

Уюшманинг фаолияти ҳар томонламадир. У аёллар билимини ошириш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ҳуқуқ, таълим-тарбия, аёлларни ижтимоий ҳимоялаш каби масалаларда ўтказиладиган халқаро ва республика анжуманлари, семинар ва тадбирларда фаол иштирок этади. Унинг қошида аёллар муаммоларини ёритадиган ва нашрий фаолият билан шуғулланадиган «Зумрад» маданий маркази, аёллар ҳуқуқини ҳимоя қиладиган «Ҳимоя» ҳуқуқий маркази, психологик ёрдам кўрсатадиган «Три О» маркази, хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланадиган «Дримс» фирмаси, «Сальсбилс» сайёҳлик фирмаси, ақлий меҳнат кишилари учун меҳнат биржасини ташкил этган «Имкон-Трест» фирмаси ва бошқалар бор. «Мадад» суғурта компанияси ёрдамида эса тадбиркорларга ва шахсларга суғурта хизматини кўрсатади.

Уюшма «Аёллар ресурс маркази», «Соғлом авлод учун», «Экосан», «Болалар фонди», «Маҳалла», «Нуроний» Республика фондлари ва жамиятлари билан боғлиқликда фаолият олиб боради. «Маҳалла» хайрия жамғармаси фаолиятига аёлларни соғломлаштириш бўйича дастурларни амалга ошириш вазифалари ҳам киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони мамлакатимизда аёлларга

бўлган эътиборнинг ортиб бораётганлигидан гувоҳлик беради. Ушбу фармонда ҳукумат ижроия идораларининг барча босқичларида аёлларнинг иштирокини кучайтириш кўзда тутилган. Фармонга кўра жойлардаги аёллар кўмиталарининг раислари ҳокимларнинг ўринбосарлари ҳисобланиб, ижтимоий соҳанинг аҳволи учун улар жавоб берадилар.

Аёлларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини кучайтириш, уларни мамлакатимиз тараққиётини таъминлашга жалб этишда матбуот, радио ва телевидениянинг катта ўрни бор. Аёлларнинг мухбирлик, телекўрсатувлар ва радио эшиттиришларни тайёрлаш ва олиб бориш ишларида фаолликлари кўзга ташланиб туради. Ҳозирги вақтда «мамлакатимизда 5 мингдан ортиқ нодавлат тижорат ташкилотлари, 870 дан зиёд газета ва журнал, 100 га яқин давлат ва нодавлат телерадиостудиялар фаолият юритмоқда».* Уларда ишлаётган ходимларнинг 60 фоизи аёллардан иборат. Миллий ўзига хосликни тарғиб этишда, ўзлигимизни англаб олишда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти катта бўлмоқда.

Аёллар муаммоларини, ютуқларини ёритиб борадиган журналлар орасида Ўзбекистон аёллар кўмитасининг органи «Саодат»нинг, «Оила ва жамият» рўзномасининг алоҳида ўрни бор. Ўзбекистон тадбиркор аёллар уюшмасининг органи ҳисобланган «Саида» журнали аёлларимизнинг тадбиркорлик фаолиятига, жамият тараққиётига ҳисса қўшишга чорловчи ойнома сифатида уларнинг фаоллигини оширишга катта хизмат кўрсатмоқда. Унда оилани бошқариш, аёлларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш бўйича мунтазам маслаҳатлар бериб борилади. Бошқа қатор журналлар ва рўзномалар ҳам аёллар муаммоларини ёритиш ва уларни ҳал этиш йўллариини излаб топишга бағишланган мақолаларни чоп этмоқдалар.

* *Ислом Каримов. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли.Т.: Ўзбекистон, 2007.-36 б.*

Бозор иқтисодиёти даврида туғилаётган қатор қийинчиликларга қарамай, оналикни ва болаликни ҳимоя қилиш, аёлларга ғамхўрлик кўрсатиш давлатимиз ижтимоий сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда. Биргина Республика Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши қошида 20 та сихатгоҳ, 120 та саломатликни тиклаш оромгоҳлари биринчи навбатда аёлларимизга хизмат кўрсатмоқда. Уларда йилига 450 - 500 минг нафарга яқин одам ўз саломатликларини мустаҳкамламоқдалар. Уларнинг эса 85 фоизини аёллар ташкил этмоқда.

Аёлларнинг меҳнат шaroитини яхшилаш бўйича мамлакатимизда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Шуларга қарамай, бозор иқтисодиёти шарoитида аёллар меҳнатини муҳофазалашда талайгина камчиликлар бор. Айниқса, турли-туман мулкчилик шаклидаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган хўжалик субъектлари, шунингдек, нодавлат тузилмаларида меъёрланмаган иш вақти, оғир меҳнат шарoити мавжудлигича қолмоқда. Аммо, ўтказилган сўров натижасига кўра аёлларнинг ярмига яқини ўзларига яратилган меҳнат шарoитини қониқарли, деб ҳисобламоқда

Ўзбекистон «Тадбиркор аёллар» уюшмасида амалий психология марказининг ташкил этилиши бу муаммони ҳал этишда муҳим қадам эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу марказнинг асосий вазифаси инсон ҳаёт фаолиятининг барча соҳаларида психологик билимларни тарғиб этиш ва ёйишдан иборат. Яъни аёлларга нафақат ўзларини англашларига, балки уларнинг ижтимоий тараққиёт ва жамиятни янгилашга оид тафаккур-ларидаги эскича қарашларини ўзгартиришларига ёрдам бериш керак. Шундай қилиб, инсон омилининг амал қилиши инсоннинг нафақат шахс сифатида, балки иқтисодиёт, сиёсат, бошқариш соҳасининг жамоат арбоби сифатидаги фаолиятига ва жамоат ишлаб чиқариши, маданият, турмуш, миллий ўзига хослик, халқнинг анъаналари ривожининг ўзига хос шарoитларини ҳисобга

олиш йўли билан ривожланадиган республиканинг ўзига хос шароитларида ҳаёт кечиришнинг бошқа жараёнларига боғлиқ.

Меҳнат қилиш - меҳнатга лаёқатли шахснинг ҳаёт кечириши учун зарурий шарт бўлиши билан бирга, айти пайтда унинг моддий ва маънавий эҳтиёжини қондириш манбаидир. Афсуски, бизда меҳнат қилишга шахснинг моддий эҳтиёжларини қондириш манбаи сифатидагина қаралади. Ваҳоланки, меҳнатга шахснинг ўз қобилиятини намоён этиш, ўзининг жамиятдаги мавқеини ошириш, обрў, кадр-қимматга, қолаверса жамият томонидан яратилган бойликлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиш манбаи сифатида қаралиши лозим.

Меҳнатга нисбатан янгича муносабатлар қарор топмас экан, меҳнат шароитини тубдан яхшилаш мумкин бўлмайди. Мулкдорлар синфи шаклланиб бориши ва замонавий тусдаги ишлаб чиқариш корхоналарининг кўплаб барпо этилиши билан биргаликда улардаги меҳнат шароити ва меҳнат муҳофазаси, меъёрланган иш вақти, ходимларнинг дам олишлари учун яратилган шарт-шароитлар ҳам аёлларимизнинг эҳтиёжларини қондирадиган даражада бўлишига эришила борилади, деб умид қилиш мумкин. Бу эса Республика Аёллар қўмитаси, Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши ва бошқа қатор жамоат ташкилотлари томонидан назорат остига олиниши керак. Аёлларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва тадбиркорлик қобилиятини намоён этишида «Тадбиркор аёллар» уюшмаси мамлакатимиз иқтисодий-маънавий ҳаётида катта роль ўйнамоқда.

Ҳозирги вақтда аёллар фаолиятининг асосий турлари шаҳарларда кичик улгуржи ва чакана савдо, турли хизматлар кўрсатиш, қандолат ва озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш ҳисобланади. Қишлоқ жойларда эса бу фаолият тури қишлоқ хўжалик ва сут маҳсулотларини сотиш, халқ хунармандчилиги билан шуғулланиш, олибсотарлик қилишдан иборат. Республикада анъанавий ҳисобланган тикувчилик, новвойлик, турли таомларни пишириб сотиш кенг

ривожланган бўлиб, у айрим оилалар даромадининг катта қисмини ташкил қилади. Айни пайтда аёлларнинг иш билан бандлигини таъминлайди ва аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришда катта салоҳиятга эга манба ҳисобланади. Албатта, ушбу турдаги маҳсулотларни экспорт қилиш йўлга қўйилса, давлатимиз бундан катта манфаат кўрган бўлар эди. Яна бунга аёлларимиз томонидан уй ёки кичик фирма шароитида тайёрланаётган сабзавот тузламалари, мева шарбатлари ва мурабболарни алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Бизнинг фикримизча, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш давлат дастури ишлаб чиқилиб, у босқичма-босқич амалга оширилиши керак. Давлат мадади, банк кредити асосида аёлларимизнинг сабзавот ва меваларни қайта ишлаш, шунингдек, гиламчилик, хунармандчилик соҳасида хусусий тадбиркорлик тузилмаларини яратишига ёрдам кўрсатилиши керак. Хуллас, аёлларнинг сўзда эмас, балки амалда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишига шароит яратилса, тайёрланган маҳсулотлар эса чет мамлакатларга экспорт қилиниши йўлга қўйилса, фикримизча, мамлакатимизда аёллар тадбиркорлиги кенг қулоқ ёйган, мамлакатимиз эса яқин ўн йил ичида таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетган бўлар эди.

Меҳнат бозорида аёлларнинг рақобатбардошлиги, касбни эгаллашига кўмаклашиш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш, шунингдек, маҳаллий меҳнат бозори шароитларига мослаша олиш имкониятларига боғлиқдир.

Республикада амалга оширилаётган бозор ислохотлари аёлларга нафақат қийинчиликлар туғдирапти, балки уларга куч ва қобилиятларини намоён этишлари учун янги соҳаларни ҳам очиб беряпти. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги аёллар ва эркекларга ўзларининг иқтисодий ҳуқуқларини амалга оширишларида тенг имкониятларни кафолатлайди. Аёлларга давлат ва нодавлат тузилмалари томонидан тадбиркорлик асослари тўғрисида билим берилиши, ўзининг бошлаётган ишини ташкил этиш ва йўлга қўйиб олишида ёрдам кўрсатилиши зарур. Тажриба тариқасида тадбиркорлик фаолияти билан

шуғулланмоқчи бўлган қишлоқ аёлларини фойсиз имтиёзли кредитлаш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Инсон - мамлакатимизнинг асосий бойлигидир. «Инсон онги ва тафаккури билан боғлиқ, унинг маънавий ва маърифий даражасини белгилайдиган омиллар ҳисобга олинмас экан, ислохотлар асло самара бермайди», деб таъкидлайди Президент Ислон Каримов. Шу сабабли мамлакатимизда ислохотларнинг барча босқичларида эришилган натижалар аҳоли турмуш тарзининг ўсиши билан ўлчанади. Ислохот - ислохотлар учун эмас, балки инсон учундир. Чунки, Президент Ислон Каримов таъкидлаганидек, «Ҳар бир одам бой бўлса, давлат бой бўлади, ҳар бир оила обод бўлса, мамлакат обод бўлади». Инсон омилига маблағлар сарфлашни рағбатлантириш сиёсати юритиларти ва у қуйидагиларни ўз ичига олади: моддий рағбатлантиришни такомиллаштириш, самарали бандлик сиёсатини оғишмай амалга ошириш; малакани ошириш, таълим-тарбия ислохотини ўтказиш; миллат соғлиғини мустаҳкамлаш ва соғлиқни сақлашни ривожлантириш; ижтимоий соҳаларга ажратилартиган маблағларни ошириб бориш ва ҳоказо.

Аёлларнинг маънавий-ахлоқий камолоти иқтисодий ислохотларнинг ижтимоий асоси ҳисобланади. Чунки, аёллар жамиятнинг жуда обрўли сиёсий кучидир. Улар кириб бормаган, ўз сай-ҳаракатлари билан меҳнат мўъжизаларини яратмаган бирорта ҳам соҳани топиш қийин. Айниқса, маънавият соҳасида уларнинг улуши бекиёсдир. Зеро, мактабгача ва бошланғич тарбия муассасалари, меҳр-саховат уйларида ишловчиларнинг 99 фойизи, мактаблар, олий ўқув юртлари, маданий оқартув муассасалари, саломатликни тиклаш, дам олиш муассасаларида ишловчиларнинг 85 фойизи, шифохоналар, савдо ташкилотлари, матбуот, санъат муассасаларида ишловчиларнинг 74 фойизи аёллардир.

Маънавият соҳасида, жамиятни янгилаш ва иқтисодиётни ислох қилиш жараёнида аёлларнинг фаол иштирок этаётганлигини ислохотларнинг катта

ютуғи, деб ҳисоблаш мумкин. Халқ маънавияти ва маданиятининг тикланиши, унга ўз турмуш тарзининг қайтарилиши ва бошқа эзгу ишлар бугунги кунда жамиятимизнинг янгиланиш ва тараққиёти йўлида аёлларнинг олдинги сафда бораётганликлари туфайли мумкин бўлди.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг хотин-қизларнинг уй-рўзғор юмушларини енгиллаштирадиган жиҳозлар Республикага кўплаб келтирилди. Кўпчилик хонадонларда аёллар техника тараққиётининг инсон учун яратилган бу афзалликларидан самарали фойдаланмоқдалар, уларга уй-рўзғор ишларини давлат иши билан қўшиб бориш учун зарур бўлган имкониятлар яратилган. Аммо, бозор иқтисодиёти шароитида келиб чиқадиган муаммолар, камчиликлар ҳам талайгина, албатта.

Биз учун энг асосийси - аёллар дунёқарашларида замонавий воқеълик талабларига жавоб берадиган сифат ўзгаришлари юз бермоқда, қадриятларга муносабатлар, ҳаёт мўлжаллари ўзгарипти. Жамиятни ислоҳ қилиш ва янгилаш бошланганлиги сабабли маънавиятнинг, ахлоқ ва маданиятнинг қудратли, халқчил, миллий қатлами аёлларнинг фидокорона фаолиятида ўзини намоён этмоқда.

Ўзбекистонда аёлларнинг фаоллигини оширишга хизмат қиладиган сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири - халқлар дўстлигидир. Ислохотчилик сиёсатининг ишончли тарафдорлари илғор зиёлилар, олимлар, ёзувчилар, санъат ва маданият арбоблари, руҳонийлар ҳисобланади. Бизнинг маънавий ва ақлий салоҳиятимиз шу туфайли тенгсиз даражада мустаҳкамланди. Мамлакатда умуммиллий ақлий ва маданий муҳит яратилляпти. У қудратли магнит сифатида ирқи, миллати, диний эътиқоди ва сиёсий қарашидан қатъий назар янги уйимизни қураётган, бизнинг еримизда яшаётган барчанинг инсонпарварлиги ва улуғлиги, келажакка ишончи билан ўзига тортяпти.

Ўзбек халқидаги мавжуд миллий бағрикенглик 130 дан кўпроқ миллат вакиллари ўзининг қадрдон кишилари сифатида қабул қилган еримизда миллатлараро ҳамдўстликнинг муҳим шарти ҳисобланади. Мамлакатимиздаги мустақиллик, тинчлик ва барқарорлик нафақат ўзбек халқи, балки бизнинг ўлкамизга келиб ўрнашиб қолган бошқа барча миллат вакиллариининг ҳам бахти эканлигига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Эндиликда янада кўпроқ одамлар ўз она тилида таълим олиш, болаларини миллий руҳда тарбиялаш имкониятига эга бўлмоқда. Шунингдек, миллий маданий марказлар ҳам маданий ва маънавий тикланиш йўлида фойдали ишларни бажармоқдалар.

Ҳозирги пайтда аёллар ташвишини камайтириш, ортиқча исрофгарчиликларга барҳам бериш учун тўйларда янги, замонавий урф-одатлар тобора кенг ўрин эгалламоқда, маҳалла қўмиталари билан келишилган ҳолда тўйлар ихчамлаштирилмоқда. Тўй соҳибига енгилликлар яратиш мақсадида никоҳни расмийлаштириш ишларини тўй маросимининг ўзида ўтказиш каби қулай хизмат кўрсатилмоқда. Аёлларни ижтимоий-ҳуқуқий мувофазалаш бўйича, яъни аёллар манфаатларини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича қонунлар қабул қилинди ва улар бажарилмоқда. Зеро, аёл жамиятни ҳаракатга келтирувчи куч, инсоният боқийлиги давоми бўлган ёш авлодни яратувчи табаррук зот. Шу сабабли «она» деганда бизнинг кўз олдимизда бир қўли билан жамиятни, бир қўли билан эса бешикни тебратиб турган аёл қиёфаси гавдаланади.

Юқорида айтилганларга хулоса қилар эканмиз, аёлларнинг жамият фаолиятидаги фаоллигини ошириш, уларнинг жамият тараққиётидаги ролини кучайтириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур, деб ҳисоблаймиз:

- аёлларни иш билан таъминлаш орқали уларни жамият ҳаётининг барча жабҳаларида иштирокини кучайтириш, жумладан турли мулкчилик соҳаларида, уйда, ширкатларда, кичик корхоналарда иш билан таъминланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

- аёлларга давлат ёрдами асосида имтиёзли кредит олиш, хом ашё сотиб олиш ва ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларини сотиши учун имкониятлар яратиб бериш;

- инсонни сармоялаш - мамлакатнинг иқтисодий тараққиётини таъминлаш ва унга капитал қўйилмаларини киритишнинг энг оқилона йўли эканлигига устувор эътибор бериш;

- тадбиркорлик асослари, кичик корхонани бошқариш бўйича аёлларга зарур билимлар бериш.

АЁЛЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ – ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Аёлларнинг фаоллигини ошириш учун бизнинг фикримизча, ноанъанавий, мослашувчан бандлик шакллари жадаллик билан ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Буларга тўлиқсиз иш вақти билан ишлаш, уйда меҳнат қилиш, ширкатларга уюшиш ва шахсий меҳнат фаолияти кабилар киради. Халқимизнинг миллий ўзига хосликларини, жумладан, аёллар вақтининг катта қисмини бола тарбиясига, уй ишларига ажратишини ҳисобга олганда меҳнат қилишнинг юқоридаги турлари уларни моддий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилишга ўргатади, иқтисодий ва сиёсий фаолликларини оширишга хизмат қилади. Ушбу хизмат турларида шуғулланиш орқали турли сабабларга кўра тўлиқ иш куни давомида ишлаш имкониятига эга бўлмаган аёллар, қарамоғида ногирон фарзандлари, қаровга муҳтож қари ота-оналари бўлган ёки умуман олганда ишсиз аёллар ўз меҳнати билан жамият фаолиятида иштирок этишлари мумкин. Шу билан бирга ўзларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини маълум даражада қондириш имкониятига эга бўладилар.

Аммо ушбу хизмат турларининг механизмлари, ёлланиб ишловчиларнинг мулкдорлар билан муносабатлари тартиби, умуман олганда, ушбу хизмат турларининг қонунчилик асосида амал қилиш тартиби ва унинг хўжалик юритувчи субъектлари томонидан қўлланиш механизмлари ишлаб

чиқилмаганлиги сабабли улардан етарли даражада фойдаланилмасдан келинмоқда.

Шулардан бири тўлиқсиз иш вақти бўлиб, ушбу режимдаги меҳнат аҳолининг муайян тоифаси, биринчи галда болали аёллар учун жуда қулайдир, чунки ишнинг стандарт шароитлари шахсий ва оилавий шароитларга мос келмайдиган ҳолларда у ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этиш имкониятини яратади. Самарали бўлишига қарамасдан меҳнат фаолиятини ташкил этишнинг ушбу усули корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий манфаатдорлигига зид келади. Шунинг учун маълум касб ва лавозимда тўлиқсиз иш вақти билан меҳнат қилишни хоҳловчиларни аниқлаш ва улар ҳисобини юритиш; туман меҳнат биржаларига тўлиқсиз иш вақтида ишлаш учун бўш турган иш ўринларининг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларнинг тақдим этилишини ташкил қилиш, бандликнинг ушбу шаклига қизиқувчи аҳолининг тўлиқ ахборотларга эга бўлишини таъминлаш зарур.

Уйда меҳнат қилиш(касаначилиқ) туридаги бандлик соҳаси маҳаллий саноатда кенгроқ ривожланган. Маҳаллий саноатда халқ истеъмоли товарлари турлича маҳаллий хомашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилади. Шу муносабат билан, биринчидан, уйда меҳнат қилиш имкониятлари ва шароитлари тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, ушбу режимда ишлашни хоҳловчилар ҳисобини юритиш, шунингдек, уйдаги меҳнат турини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Иккинчидан, уйда меҳнат қилувчиларни хомашё, асбоб-ускуналар, меҳнат воситалари билан таъминлаш вазифасини бажарувчи махсус хизматни ташкил этиш, уйда меҳнат қилувчиларнинг асбоб-ускуналарини таъмирловчи махсус ходимлар штатини шакллантириш, тайёрланган маҳсулотни қабул қилиш-тарқатиш шохобчалари тармоғини яратиш мақсадга мувофиқдир.

Кооператив ва шахсий меҳнат фаолияти аҳоли эҳтиёжларини қондириш, бозорни товарлар ва хизматлар билан тўлдириш, иш кучи захираларини

сафарбар қилиш, шахсий ва ижтимоий манфаатларни инобатга олган ҳолда меҳнат ҳуқуқларини амалга ошириш учун кафолатлар яратишга йўналтирилгандир. Аёллар меҳнат ресурслари, яъни аёлларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш зарур бўлган ушбу йирик захира туман ҳокимиятлари томонидан тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Аёлларнинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш кўламларини кенгайтириш, фикримизча, қуйидагилар воситасида амалга оширилади:

- мева ва сабзавот етиштириладиган ер участкаларига эгалик қилиб шахсий меҳнат фаолияти асосида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, фермерлик хўжалиги барпо этиш, аҳоли хоҳишига кўра ва келишувлар асосида маҳсулотлар етиштиришга шароитлар яратиш;

- давлат ва маҳаллий капитал маблағлар ҳисобидан йўллар қуриш, электр ва газлаштиришни амалга ошириш йўли билан аёлларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун берилган суғориладиган ерлар ҳосилдорлигини оширишга кўмаклашиш, тайёрланадиган маҳсулотларни қайта ишлаш цехларини ривожлантириш;

- ширкатлар ва маҳсулот тайёрловчи ташкилотларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва харид қилиш учун шартномалар тузишни иқтисодий рағбатлантириш механизмини шакллантириш;

- давлат ва истеъмол кооперацияларига ортиқча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш учун тадбиркор аёллар талабини қондирувчи қурилиш материаллари, автомобиллар, тракторлар, боғ-томорқа инвентарларини етказиб бериш тизимини шакллантириш.

Аёлларнинг иқтисодий фаоллиги ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ва меҳнатни ташкил этишнинг турли мулкчилик шаклларида бўлган корхоналар, ҳудудлар, тармоқлар бўйича тақсимланишида, меҳнат унумдорлиги, аҳоли фаровонлигининг ўсишида ифодаланади.

Аёлларнинг ижтимоий фаоллиги эса уларнинг таълимий ва касбий тайёргарлиги даражаси, аёлнинг бир ижтимоий қатламдан бирмунча юқори бўлган бошқасига ўтиши, ижодий ва ижтимоий фаоллигининг ошиши, қизиқарли, мазмунли, ташаббус кўрсатиш мумкин бўлган ишга интилишидир.

Аёллар меҳнат заҳираларидан фойдаланишнинг самарадорлигига аҳолининг ушбу гуруҳи мамлакат иқтисодиётига фақат оптимал жалб этилган шароитдагина эришиш мумкин. Шунинг учун меҳнат заҳираларидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари тизимида аёлларнинг ижтимоий фаоллиги кўрсаткичи муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Баъзи соҳаларда аёлларнинг меҳнатидан фойдаланиш даражаси паст бўлиб, ушбу тармоқларнинг ривожланиб бориши ва эркакларнинг кўплаб жалб этилиши сабабли аёлларнинг ҳиссаси янада қисқариб бормоқда. Иқтисодиётнинг таркибий жиҳатдан тубдан қайта қурилиши ва бошқа омилларнинг, шу жумладан иқтисодиёт тармоқлари бўйича иш кучига талаб ва таклифнинг таъсири натижасида иқтисодиётнинг кўпгина тармоқларида аёлларнинг иш билан бандлигида ўзгаришлар юз берди. Лекин шунга қарамай, халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва савдо соҳасида аёлларнинг иш билан бандлиги салмоғи тобора ўсиб бормоқда.

Аёллар меҳнат заҳираларидан фойдаланишнинг самарадорлиги уларнинг ишга жойлаштирилиши билан ошади. Аёллар меҳнатидан фойдаланиш самарадорлигини бошқариш - давлат иқтисодий сиёсатининг туб масаласидир. Унинг моҳияти ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва миллий даромадни ошириш ҳисобига аёллар меҳнат заҳиралари бандлиги ҳажмини сезиларли даражада оширишга эришишдан иборат. Ушбу муаммони ҳал этиш йўлларида бири меҳнат қилишнинг бошқа соҳаларини, шу жумладан аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш ҳисобланади.

Билими, малакаси етарли бўлмаган аёл машаққатли иш билан бандликка (оғир жисмоний меҳнат, бир хил, оғир ишга) дучор бўлади ёки ишсизликка

номзод ҳисобланади. Махсус таълим, юқори касбий тайёргарлик, кичик ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш малакаси меҳнат бозорида рақобат курашининг зарурий шарти ҳисобланади. Хусусан, таълим соҳасида ижтимоий, миллий ва демографик омилларнинг таъсири мустаҳкам уйғунлашиб кетади.

Аёллар меҳнат заҳираларидан фойдаланиш ҳолатининг тадқиқи шуни кўрсатадики, республикада ҳали улардан самарали фойдаланиш йўллари жорий этилган эмас. Аёллар меҳнат заҳираларидан фойдаланишни бошқариш уларни етарли даражада бўлмаган меҳнат фаоллиги, касбий тайёргарлигининг пастлиги билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасида соғлом авлодни тарбиялаш ва вояга етказиш соҳасида кўпгина ишлар қилинмоқда. Мамлакатимиз, халқимизнинг истиқболи ва келажаги бўлган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол, комил инсон қилиб етиштириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ёшларни ҳар томонлама етук, комил инсон қилиб тарбиялашда аёлларнинг роли бениҳоядир.

Ёшларни маънавий етук, баркамол шахслар қилиб тарбиялаш жараёнида аёлларимиз жонбозлик кўрсатмоқдалар. Бизнинг фикримизча, улар бу жараённинг қуйидаги йўналишларида ўзларининг ижтимоий-сиёсий фаолликларини намоён этмоқдалар:

- педагогик фаолият жараёнини ташкил этиш ва олиб боришда фаол иштирок этиш орқали ёшларнинг билимли, ахлоқли инсонлар бўлиб етишишига эришиш, уларнинг дунёқараши ва мафкурасини шакллантиришда;

- оила, мактаб ва бошқа таълим-тарбия муассасалари орқали ёшларда Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантириш, жисмоний ва маънавий соғлом ватанпарвар шахслар қилиб тарбиялашда;

- ёш авлодда табиат ва атроф-муҳитга, шунингдек, яқинлари, дўстлари ва бошқаларга меҳр-муҳаббат туйғусини уйғотишда;

- ёшларни ҳақиқатгўй, камчиликларга мурасасиз, ҳалол, пок инсонлар қилиб тарбиялашда ва уларга бошқа инсоний фазилатларни сингдиришда;

- қизларни мустақил ҳаётга, она бўлишга тайёрлашда.

Ҳозирги пайтда "халқимизнинг ақлий бойликларини, жаҳон фани ва маданиятининг энг яхши ютуқларини ўзида сингдириб оладиган янги авлодни камол топтириш" (И.А.Каримов) вазифаси кўндаланг қилиб қўйилган бўлиб, бу мақсадни амалга ошириш ижтимоий-сиёсий фаоллиги юқори бўлган аёллар зиммасига юклатилган. «Ҳар бир инсоннинг, айниқса эндигина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарса уларнинг собитқадамлигига, ғайрат ва шижоатига, тўла-тўқис фидокорлигига ва чексиз меҳнатсеварлигига боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак. Худи шу нарса давлатимиз ва халқимиз равнақ топишининг асосий шартидир», -деб таъкидлайди Президент Ислом Каримов.

Бу ўринда зукко донишмандлардан бири Ризоуддин Ибн Фахруддиннинг ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган ва кундалик фаолиятда амал қилса арзийдиган қуйидаги пурмаъно сўзларни келтириш билан фикримизга якун ясашни лозим топдик. «Адолат ўлчови ушбудир: ота-онасига итоатни, динга ҳурматни, қариндош-уруғлар, эл-юрт, халқни севишни, ҳар бир каттаю кичик билан яхши муомалали бўлишликни болаларнинг қонларига сут билан бирга сингдирмоқ лозим, зеро маърифатли хотинлар, диндору инсофли ота-оналар томонидан тарбияланган одам болалари гўзал хулқли, шоду ғайратли, тўғри фикрли, соғ танли, олий табиатли-ю, ҳар турли хайрли ишларга тайёр бўладилар.

ХУЛОСА

Туркистон заминида аёллар улуғланган ва уларнинг фаолликлари, жамиятдаги мавқеи юқори бўлишини таъминлашга халқимиз асрлар давомида интилиб келган. Мамлакатимиз аёллари ўзларининг маълумотлилик даражасига кўра ривожланган мамлакатлар даражасида туради ва аёлларнинг фаолликлари уларнинг сиёсий-иқтисодий, маънавий-маърифий, яъни ижтимоий фаолликларидан иборат бўлиб:

- аёллар миллий ва маънавий қадриятларимизни, қадимий урф-одатларимизни асраб авлоддан-авлодга етказувчилар ҳисобланади;
- миллий-маънавий, диний қадриятларни ўрганиш, қадимий урф-одатларни амалиётга татбиқ этиш - шарқона турмуш тарзини тиклаш ва оилани мустаҳкамлаш асосидир;
- аёлларга меҳнат қилиш, иш билан таъминланиш, болага қараш ва бошқа масалаларда имтиёзлар, ижтимоий ёрдам кўрсатиш кўзда тутилган;
- аёллар ижтимоий соҳада, ёш авлодни баркамол шахслар қилиб тарбиялаб етиштиришда ўзларининг фаолликларини намоён қилаётган сиёсий кучдир;
- аёлларнинг уюшмалари, ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотлари республикада аёллар ҳаракатининг мавжудлиги тимсоли, воқелик бўлиб, жаҳон аёллар ҳаракатининг мустаҳкам бўғинларидан биридир.

Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, бу - аҳоли гуруҳи, ижтимоий ҳаракатнинг, шахснинг жамиятни, сиёсий-иқтисодий тузумни ислоҳ қилишга, мукаммаллаштиришга интилиши, сиёсий жараёнларда фаол иштироки, келгусида обод ва фаровон жамият барпо этиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, баркамол шахсни тарбиялаб етиштиришга йўналтирилган фаолиятидир.

Аёлларнинг ижтимоий фаоллиги - уларнинг таълимий ва касбий тайёргарлиги даражаси, аёлнинг бир ижтимоий қатламдан бирмунча юқори

бўлган бошқасига ўтиши, ижодий ва ижтимоий фаоллигининг ошиши ҳамда қизиқарли, мазмунли, ташаббус кўрсатиш мумкин бўлган ишга интилишидан иборат.

Аёлларнинг иқтисодий фаоллиги - аёллар иш кучининг ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг турли мулкчилик шаклларида бўлган корхоналар, ҳудудлар, тармоқлар бўйича тақсимланиши, касбий малакаси, меҳнат унумдорлиги, фаровонлигининг, меҳнат қилиш, иқтисодий, моддий ва маънавий билимларининг ўсишидир.

Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-марифий фаолликларини ошириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур, д еб ҳисоблаймиз:

- ижтимоий муҳит ва оила муҳитини яхшилаш бўйича давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш;

- меҳнат фаолияти билан шуғулланаётганларнинг асосий қисми аёллардан иборат бўлган халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, илм-фан соҳаларида иш ҳақининг ўсиш даражаси республика бўйича ўртача кўрсаткичдан ҳам пастлиги сабабли бу соҳаларда меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини тубдан ислоҳ этиш;

- аёллар иш кучи ва меҳнат заҳираларидан самарали фойдаланиш механизминини ишлаб чиқиш;

- аёлларни иш билан таъминлаш орқали жамиятда уларнинг ролини ошириш, жамоат, маҳалла ишларига жалб этиш ва маънавий дунёқарашини бойитиш;

- аёлларнинг иш билан бандлигини бошқариш, аёллар меҳнат заҳираларидан оқилона ва самарали фойдаланиш усуллари жорий этиш орқали давлат томонидан уларни қўллаб-қувватлаш;

- аёлларни давлат бюджети, корхона ва ташкилотларнинг маблағи, жамоат ташкилотларининг кўмагида касбий тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва

касбини ўзгартириш ишлари билан шуғулланадиган ҳамда доимий фаолият юритадиган касбий тайёрлаш тизимини яратиш;

- яқин ўтмишда Ўзбекистонда аёлларнинг сиёсий фаоллигини таъминлаш сиёсатида йўл қўйилган бузилиш уларнинг салбий оқибатларини тугатиш учун кўп йиллик комплекс тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва босқичма-босқич тартибда амалга ошириш;

- аёлларнинг касбий таълим олиши, иш билан таъминланиши, оромгоҳларда саломатлигини тиклашини давлат маблағи ҳисобидан амалга ошириш, аёлларни сармоялаш, яъни меҳнат бозорида аёлларнинг малакавий тавсифини ошириш ва рақобатбардошлигини таъминлаш йўналишлари бўйича сармоялашни амалга ошириш;

- аёлларнинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва уларни хавф-хатарлардан холи этиш учун мол-мулкларини ижтимоий суғурталашни макро ва микроиқтисодий даражада таъминлаш мақсадида ихтиёрий суғурта қилишни амалга ошириш;

- давлат томонидан аёлларнинг тадбиркорлик фаолиятини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш жараёнининг моддий-техника таъминотини яхшилаш, уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш техникалари ва технологияларини ишлаб чиқаришни ва имтиёзли равишда уларга берилишини йўлга қўйиш;

- аёлларнинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, янги иш жойларини ташкил этиш ҳисобига уларнинг меҳнатга лаёқатли қисмини иш жойи билан таъминлаш, ички бозорни зарур товарлар билан тўлдириш, тадбиркор аёлларнинг четга товар экспорт қилиш даражасини ўстириш ва мулкдорлар тоифасини шакллантириш керак.

Чоризм истилоси ва собиқ маъмурий-буйруқбозлик тузуми ҳукмронлиги даврида аёлларимизнинг фаолликлари фақатгина уларнинг меҳнат фаоллиги билан чеклаб қўйилган эди, эндиликда эса жамият сиёсий-маънавий ҳаётида

аёлларимизнинг фаоллигига эришиш - давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айлантирилган. Аёллар соғлом турмуш тарзи учун, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, ёшларнинг турли кўпоровчи гуруҳлар таъсирига тушиб қолиши каби иллатларга қарши фаол кураш олиб борадиган сиёсий кучдир.

Ўзбекистонда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини таъминлаш сиёсатида яқин ўтмишда йўл қўйилган бузилишларнинг салбий оқибатларини тугатиш учун комплекс тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, босқичма-босқич тартибда амалга ошириш керак. Аёллар кенгашлари фаолиятини жонлантириш, маҳаллаларда маош олиб ишлайдиган ва ёшлар тарбияси билан шуғулланадиган «тарбиячи-педагог» ва оилавий келишмовчиликларни ҳал этишда маҳалла фаолларига маслаҳатчи сифатида кўмаклашадиган «мураббий-онахон» иш ўринларини ташкил этиш зарур. Турар жойларни газлаштириш, республикамиз аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш орқали аёллар меҳнатини енгиллаштириш, уларни уй юмушларига сарфлайдиган вақтини тежаш орқали дам олиши, соғлигини тиклаши учун имкониятлар яратиш лозим. Аёллар меҳнатини муҳофаза қилиш, уларни зарарли (кимёвий моддалар таъсиридан, нурланишдан, жисмоний зўриқтирадиган ва туғилажак фарзандларининг саломатлигига салбий таъсир кўрсатадиган) жойларда меҳнат қилишини таъқиқлайдиган давлат қонунини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш керак.

Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий фаолликларини юксалтириш соҳасида амалга ошириш тавсия қилинган юоридаги тадбирлар тоталитар тузум шароитида ушбу соҳада ҳукм сурган объектив ва субъектив тўсиқларни тугатиш ва уларнинг салбий оқибатларини бартараф этишга имконият яратади.

Аёллар меҳнат заҳираларининг самарадорлик мезонларини ошириш учун: янги касбларни ўзлаштириш, малаканинг ўсиши, меҳнат фаоллиги, жамоат ишлаб чиқаришига аёлларни жалб этишни оптималлаштириш, шахснинг ҳар

томонлама ривожланишини таъминлаш, манфаатларини қондириш, қобилиятларини ривожлантириш, ишларнинг тури бўйича бандликнинг таркибий тузилишини кенгайтириш зарур. Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаолликларини таъминлашнинг маънавий омили миллий истиқлол мафкурасидир. Хуллас, Республика Аёллар қўмитаси ва унинг жойлардаги бўлимлари, нодавлат аёллар уюшмалари мамлакатни тараққий эттириш, баркамол шахсни тарбиялаб етиштириш йўлида жонбозлик кўрсатаётган фаол ижтимоий ҳаракат ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари

1. Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч.Т.: Маънавият. 2008.
2. Ислом Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т. "Ўзбекистон", 2009.
3. Ислом Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. Т. “Ўзбекистон”, 2010.
4. Ислом Каримов. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: "Ўзбекистон" 1997. 325-б.
5. Ислом Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари.Т.: "Ўзбекистон", 1998, 682 б.
6. Ислом Каримов. Жамиятимиз мафкураси халқни - халқ, миллатни - миллат қилишга хизмат қилсин.Т. "Ўзбекистон", 1998.
7. Ислом Каримов. Адолат, ватан ва халқ манфаати ҳар нарсадан улуғ. Т., 1998.
8. Ислом Каримов. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Т., 1999.
9. Ислом Каримов. Баркамол авлод орзуси.Т., 1999.
10. Ислом Каримов. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли.Т.: Ўзбекистон, 2007.-27 б.
11. Ислом Каримов. Асосий вазифамиз –ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш.Т.: Ўзбекистон, 2010.-77 б.
12. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. Т. "Ўзбекистон", 2004.
13. Каримов И.А.Ўзбекистон:миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-том. Т., 1996.
14. Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Асарлар, 2-том. Т., 1996.
15. Каримов И.А.Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Асарлар, 3-том. Т., 1996.
16. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Асарлар, 4-том. Т., 1996.

17. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Асарлар, 5-том. Т.,1997.
18. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Асарлар, 6-том. Т.,1997.
19. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Асарлар, 7-том. Т.,1999.
20. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Асарлар, 8-том. Т.,2000.
21. Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат,Т. "Ўзбекистон" 1992 й.62 бет.
22. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. Т. "Ўзбекистон", 1992 й. 54 б.
23. Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т. "Ўзбекистон" 1993 й.367 б.
24. Каримов И.А. Ўзбекистон :иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида, Т. "Ўзбекистон" 1995 й. 272 б.
25. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. Т. "Ўзбекистон" 1993 й.90 б.
26. Каримов И.А. Иқтисодий ислохот:масъулиятли босқич. Т. "Ўзбекистон", 1994 й.470 б.

ҚОНУНЛАР,ФАРМОНЛАР,ҚАРОРЛАР

27. Ўзбекистон Республикасида мулкчилик қонуни// «Халқ сўзи»,1991. 5 март(Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 1-том. Т. «Адолат», 1991.).
- 28.Ўзбекистон Республикасидаги «Корхоналар тўғрисида»ги қонун// «Халқ сўзи»,1991. 24 декабр(Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 2-том.Т. «Адолат»,1991).
- 29.Ўзбекистон Республикаси қонун ва фармойишлар.-Т.: «Ўзбекистон», 1992. 381 б.
30. Ўзбекистон Республикаси фармонлар ва қарорлар.-Т.: «Ўзбекистон», 1994. 220 б.

31. Ўзбекистон Республикасининг корхоналар ижара мулкчилиги тўғрисидаги қонунлар.-Т.: «Адолат», 1997. 121 б.
32. Ўзбекистон Республикасининг «Ёшлар сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонуни. Т. «Ўзбекистон»,1994 й.
33. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолига таълим бериш тўғрисида»ги қонуни. Т. «Ўзбекистон»,1997 й.
34. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуни. Т. «Ўзбекистон»,1998 й.

СТАТИСТИК ТЎПЛАМЛАР

35. Социально-экономические положения Республики Узбекистан за январь-сентябрь 2001 года. Т.2001.
36. Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза. Ўзбекистон,1998 й. Иқти-содий тадқиқотлар маркази. 26 б.
37. Ўзбекистонда оила. Тошкент,1997,134 б.
38. Ўзбекистон Республикасида аёллар: Статсборник.Т.,1993.
39. Статистический сборник.«Семья в Узбекистане»,1977. «Основные социально-экономические показатели», 2001.
40. Ўтиш даври, ислохотлар ва аёлларнинг аҳволи. Ўзбекистон Республикаси аёлларининг аҳволи тўғрисидаги маъруза. 2001.
41. Доклад о положении женщин в Республике Узбекистан.2000.
42. Медико-демографическое исследование. Ташкент,1996.
43. Социальные развитие и уровень жизни населения в Узбекистане 2001. Статистический сборник. Т.2002.
44. Населения Республики Узбекистан 2001. Статистический сборник. Т.2002.

КИТОБЛАР

45. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. Т.,1993.
46. Амир Темур. Тузуклар Т.,1991.
47. Безрботица, структурная перестройка экономики и рынок труда в Восточной Европе и России. М.: Инфра-М,1995,477 бет.

48. Бляхман Л.С. Качество работы: роль человеческого фактора Экономика.1990,73 бет.
49. Баратова М.Ч. Общественные факторы потребления и совершенствование труда и быта женщин.// Иқтисодиёт институти. Т., «Фан», 1988,116 бет.
50. Бабин А.И.Социальная сфера в условиях перехода к рынку. М.,Финансы и статистика.1995 226 бет.
51. Вамбери Херман. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи.Т.,1992.
52. «Ватан ва миллат муқаддасдир»(туз: Б.Қосимов ва бошқ). Т., «Ўқитувчи»,1996.
53. Ватан туйғуси(А.Иброҳимов,Х.Султонов, Н.Жўраев). Т.,1997.
54. Доклад о человеческом развитии. Нью-Йорк,1994,124 стр.
55. Жўраев Н. «Агар огоҳ сен...». Шарқ нашриёт-матбаа концернининг Бош муҳарририяти.Т.,1998.
- 56 Жўраев М. Бошланғич педагогик таълим бериш. Т., 2001,69-бет.
57. Жўраев М. Амир Темурнинг болалиги. Т.,1996.
58. Кадырова З. Жамиятни ҳар томонлама ислоҳ этиш шароитида ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш муаммолари. Ўзбекистон миллий комуси.Т.,1999.
59. Мирзаев А. «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти». Т.,1999, 80-бет.
60. Основы предпринимательской деятельности. «Финансы и статистика». М. 1995 г.
61. Сафаров Ш. ва бошқ. Иқтисодий тараққий этган мамалакатларда меҳнат бозорини бошқаришнинг хорижий тажрибаси. Т., 1994.
62. Сергеева Г.М.Профессиональная занятость женщин: проблемы, перспективы. М.,Экономика,1987.
- 63.Туленов Ж. ва бошқ. Истиклол ва тараққиёт мафкураси: мақсад ва йўналишлари. Т., «Ўзбекистон», 1993.
64. Утемуrowова Г.Х. Концептуальные подходы к определению категории рынка труда женщин. Т., ТошДТУ. 2000.
65. Убайдуллаева Р.А. Вклад женщин в ускорение социально-экономического развития. Т.,1987.

66. Холмўминов Ш.Р. ва бошқ. Меҳнат бозори: шакллантириш муаммолари.Т.,Фан,1994, 63 стр.
67. Шарипов Фазлиддин Шарофиддин ўғли. Сиёсатшунослик. Сиёсатшуносликнинг илмий-методик асослари.1 китоб. Т.,1996. 114 б.
68. Шарипов Фазлиддин Шарофиддин ўғли. Сиёсатшунослик. Сиёсий система таҳлили. Сиёсий маданият асослари. 2 китоб. Т.,1996. 62 б.
69. Шарипов Фазлиддин Шарофиддин ўғли. Сиёсатшунослик. Сиёсатни амал қилиш соҳалари. Ташқи сиёсат юритиш тамойиллари. 3 китоб. Т.,1996. 202б.
70. Фаёзов М.Ф. Жамият ривожланиб боровчи системадир. Т.,1992.
71. Ўрта Осиё халқлари хурфиқрлилиги тарихидан. Т.,1990.
72. Ғофуров З.Сиддиқов Б. Миллий истиқлол - маънавий-марифий юксалиш. Т. «Фан»,2000.
73. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутудғу билиг. Т., «Фан»,1990.
74. Ахророва С.А. Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатида хотин-қизларнинг сиёсий фаоллиги. Услубий қўлланма. Т.:1999.

МАҚОЛАЛАР

75. Ахророва С.А. Аёллик ўрни// “Тафаккур”.Т.:2004,2-сон,85-86 б.
76. Ахророва С.А. Халқаро мезонлар тақозоси// “Тафаккур”.Т.:2002, 2-сон, 89-90 б.
77. Артыкова Д.А. Занятость женщин Узбекистана в зеркале рыночных преобразований.//Экономика и статистика. 1997,№3.
78. Аъзамов С. «Тадбиркорларга ёрдам, жамоатчиликка ваколат». // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2001. №4, 33 б.
79. Бархатова Н.М. Семейный бизнес и семьи в бизнесе. //ЭКО 2000.№2.
80. ДжМ.Кейнс. Общая теория занятости. //Вопросы экономики. 1998, №5.
81. Жўраева С. Тараққиёт ва аёллар ҳуқуқи. «Тафаккур», 2/2003,83-бет.
82. Ковалчук В. «Тадбиркор билан ёлланган ходимларнинг меҳнат муносабатлари асослари».//Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2001. №3-4, 82 бет.

83. Маҳмудов Т. Авесто. Тафаккур. 2002 й. 1-сон.
84. Рахимова Д. Бозор ва меҳнат. //Иқтисодиёт ва статистика, 1997. №10.
85. Рашидова М. Бозор ва бандлик. //Иқтисодиёт ва статистика, 1996. №11.
86. Сафоев Ў. Ўзи - ҳақиқат, «мен»и - қадрият. «Тафаккур», 1/2003. 32б.
87. Убайдуллаева Р.А. Замонавий Ўзбекистонда аёлларнинг меҳнати. //Бозор, пул, кредит. 1997, №6.
88. Худойбердиев З. «Тадбиркор аёлларни тайёрлаш». 2001. №3-4, 110 бет.
89. Ўтиш даври, ислохотлар ва аёлларнинг аҳволи. Ўзбекистон Республикаси аёлларининг аҳволи тўғрисидаги маъруза. 2001, 22 бет.
90. Кулматов О. «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожланишида муаммо ва ечимлар». //Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2001. №4-5, 26 б.